**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги олий таълим тизими педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ маркази директори_______________Г.Ахунова
“_____” ___________________ 2015 й.

**“МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

# Ў Қ У В –У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчи: доц. Н.Шоюсупова

Тошкент – 2015

# Мундарижа

ИШЧИ ДАСТУР........................................................................................................................3

МАЪРУЗА МАТНИ..................................................................................................................9

1-мавзу. Меҳнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари. ..........................9

2-мавзу. Аҳоли бандлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари................20

3-мавзу. Жаҳон меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари, унда меҳнат миграциясининг ўрни .38

ТАҚДИМОТ .........................................................................................................................53

ТЕСТ....................................................................................................................................69

# ИШЧИ ДАСТУР

## КИРИШ

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

- Тингловчиларга меҳнат бозорини тартибга солиш ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;
- Меҳнат бозорини тартибга солиш, унинг бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;
- Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш, уни бошқариш тизимидаги ислоҳотлар билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларгаетказиш;
- Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорини тартибга солиш тизимидаги ислоҳотларни таҳлил этиш, Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

### Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Меҳнат бозорини тартибга солиш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

– замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур;

– меҳнат бозорини тартибга солиш ва унинг функцияларига оид билимларга эга бўлиши;

– меҳнат бозори ва уни тартибга солиш бўйича билимларга эга бўлиш;

– замонавий шароитларда меҳнат бозорини тартибга солиш тизимидаги ислоҳотлар ва уларнинг концептуал асослари бўйича билимларга эга бўлиш лозим. .

### Модулнинг ўқув режадаги бошқамодуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### Ўқув модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги глобаллашув шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш тизими ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз меҳнат бозорини тартибга солиш тизимидаги ислоҳотларнинг

концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

**Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари**

| № | Мавзунинг номи | Жами | Маъруза | Амалий | Кўчма машғулот | Тажриба алмашиш | Мустақил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Меҳнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари. | 8 | 4 | 4 | - | - | - |
| 2. | Аҳоли бандлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари | 10 | 4 | 6 | - | - | 2 |
| 3. | Жаҳон меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари, унда меҳнат миграциясининг ўрни | 12 | 4 | 4 | 2 | - | 2 |
| **ЖАМИ: (28соат)** | | **30** | **12** | **14** | **2** | | **4** |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Меҳнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари. (4 соат)**

1. Меҳнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.
3. Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари.
4. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш услублари.

Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш услублари. Меҳнат бозорининг самарали амал қилишига рақобатбардошликнинг таъсири. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштириш.

**2-мавзу. Аҳоли бандлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. (6 соат)**

1. Аҳоли бандлигининг таъминлашнинг қонуний асослари.
2. Республикадаги демографик вазият.
3. Аҳолини бандлигини таъминлашдаги муаммолар.
4.Аҳоли бандлигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар.

Кадрлар маркетинги тадқиқоти босқичлари. Меҳнат бозорини социологик тадқиқот этишнинг асосий босқичлари. Меҳнат бозорини социологик тадқиқот этишни такомиллаштириш йўналишлари. такомиллаштириш. Меҳнат бозори инновацион ривожланишининг институционал асослари. Меҳнат бозорида ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш.

**3-мавзу. Жаҳон меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари, унда меҳнат миграциясининг ўрни. (4 соат)**

1. Демографик вазиятнинг ҳолати ва унинг меҳнат бозорига таъсири.
2. Меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари.
3. Меҳнат бозорида меҳнат миграциясининг ўрни.
4. Меҳнат бозорида малака талабларининг ўрни.

Меҳнат бозорини ривожлантириш концепцияси ва ва унинг стратегик мақсадлари. Янги иш жойларини ташкил этиш йўналишлари. Ижтимоий ҳимояга мухтож аҳолининг тоифаларига квоталаштирилган иш жойларини ташкил этиш. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Меҳнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари. (2 соат)**

1. Меҳнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.
3. Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари.
4. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш услублари.

**2-мавзу. Жаҳон меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари, унда меҳнат миграциясининг ўрни. (2 соат)**

1. Демографик вазиятнинг ҳолати ва унинг меҳнат бозорига таъсири.
2. Меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари.
3. Меҳнат бозорида меҳнат миграциясининг ўрни.
4. Меҳнат бозорида малака талабларининг ўрни.

## МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Меҳнат бозорини тартибга солиш” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан қўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутади.

### Модул бўйича мустақил таълим топшириқлари

1. Таълим соҳасида инсон тараққиёти концепциясини амалга оширишнинг асосий йўналишлари.
2. Инсон тараққиёти концепциясининг юзага келиши.
3. Ўзбекистонда инсон тараққиёти концепциясини тарғиб этиш.
4. Ўзбекистонда демографик сиёсатнинг истиқболли йўналишлари.
5. Миллий мингйиллик ривожлланиш мақсадлари Ўзбекистонда инсон тараққиётининг стратегик масаласи сифатида.
6. Аҳоли фаровонлигини оширишнинг минтақавий жиҳатлари.
7. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг юзага келишива

тавсифлари.

8. Барқарор ривожланиш мақсадида атроф-муҳитни бошқариш тизимини такомиллаштириш.

9. Ўзбекистонда гендер муносабатлари таҳлили.

10. Ўзбекистонда бандлик соҳасидаги асосий тенденциялар.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


### I.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012 й.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”Қонуни.Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни. www.Lex.uz

1.4.Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

2.1. Каримов И.А. «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир». - Т.: Ўзбекистон, 2015. - 36 б.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори// Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).

2.3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги"Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотларинифаолиятини кучайтириш ва бандликни ошириш" тўғрисидаги 616-сонли Қарори .

2.4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги 616-сонли “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – Тошкент: 2007 йил 6 апрель.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. –Тошкент: 2007. 15 май, 97- сон.

2.6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 2007. 24 май, 106- сон.

## III.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

3.2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

3.3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11февралдаги “2015-2019 йилларга тайёр махсулот, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни махаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарори

3.4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725- сон фармони

## IV.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

4.1. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2014 йил 18 январ.

4.3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

## V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

5.1. Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 476 б.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иктисодиёт, 2010. – 144 б.

5.3. Человеческое развитие. Учебное пособие. / под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х. и д.э.н., проф. Жумаева Н.Х. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. – 376 с.

5.4. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ. ПРООН. – М.: Весь Мир, 2010. – 244 стр.

5.5. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: УМЕД, ПРООН, 2008. - 462 стр.

5.6. Человеческое развитие: новое измерение социально-экономического прогресса: Учебник. – М.: МДУ, ПРООН, 2008. – 636 стр.

## VI. Интернет сайтлари

6.1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

6.2.Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

6.3.www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг сайти.

6.4.www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

6.5.www.mineconomu.uz –Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.

## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1-мавзу. Меҳнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари.

**Режа:**

1.1.Меҳнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

1.2.Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.

1.3. Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари.

1.4. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш услублари.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, бозор, иқтисодиёт, услуб, нафақа, инвестиция, меҳнат ресурси, ишчи кучи.

### 1.1.Меҳнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Ҳозирги вақтда ўтиш даври иқтисодиётининг олдида турган долзарб муаммолардан бири меҳнат бозорини самарали шакиллантириш ва ривожлантиришдир. Бунинг учун, аввало ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишининг объектив қонунларидан саводли фойдаланиш зарур. Бозорлар орасида меҳнат бозори алоҳида ўрин тутади. Бозор иқтисодиётининг ажралмас ва муҳим таркибий қисми – меҳнат бозоридир. Айнан меҳнат бозори орқали ғоят муҳим миллий ресурс бўлган меҳнат минтақалар, тармоқлар, фирмалар ва касблар бўйича тақсимланади. Шу бозорда унинг баҳоси ҳам белгиланади.

Меҳнат бозори бозорнинг бошқа тизимчалари билан узвий боғланган. Ҳақиқатдан ҳам талабга эга бўлиш учун ишчи кучи жисмоний, ақлий ва касбий қобилиятларнинг белгиланган мажмуасига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнига бу қобилиятларни татбиқ эта туриб, у ўз истеъмол сифатларини йўқотмаслиги учун доимо қайта ишлаб чиқарилиши лозим. Нафақат ўзини қайта ишлаб чиқариш, балки меҳнат ресурслари ва бутун аҳолининг сифат кўрсаткичларини ҳам яхшиланишини ошириб ёки пасайтириб, ушбу тенгсизликни йўқ қилиши мумкин. Ишчи кучига жами талаб - инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмлари билан тартибга солинади.

Меҳнат бозори – бу, меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи контрактлар (меҳнат келишувлари) асосида “меҳнатга қобилиятларини” харид қилиш - сотишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.

Меҳнат бозори таркибий қисмининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва ёллашдаги рақобат. Талаб агросаноат мажмуаси, ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмаси ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларининг меҳнат бозорига буюртма этган, иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган эҳтиёжнинг ҳажми ва таркибини акс эттиради. Таклиф ёлланма шарти билан ишга эга бўлишдан манфаатдор бўлган қишлоқ ишчи

кучининг миқдор ва сифат (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, даромади ва бошқалар бўйича) таркибини ифодалайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, “меҳнат бозори” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни таркибий қисмларининг тизимтик тадқиқоти мазкур бозорни ўтиш даврида бажариладиган асосий вазифаларни ҳам аниқлашга имкон беради:

*ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;

*бозор услубида хўжалик юритишининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш;

*меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;

*ишсизлар иш топишига, уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини оширишга кўмаклашиш;

*ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ва меҳнат тақсимотини ўзгартириш.

Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги - меҳнат бозори шаклланишининг асосий шароити ёҳуд шартидир.

Шу билан бир қаторда меҳнат бозорининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқлимий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ва омиллар мавжудки, уларни биз қуйида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Меҳнат бозори (МБ) шаклланишининг асосий иқтисодий шарт-шароити бўлиб, ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчиликлари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қилади. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, мазкур субъектларни ўзаро алмашув муносабатига киришига уларнинг шахсий манфаатлари мажбур қилади, унинг орқасида шахсий истеъмолчилик ётади. Улар ҳам ўз навбатида қайта такрор ишлаб чиқаришда аҳоли ижтимоий-иқтисодий турмушининг фақат керакли ижтимоий эҳтиёжининг ифодаланиши бўлади.

МБининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шериклар иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуктаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш МБининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби - таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсиши.

Меҳнат бозори конъюктураси шаклланишининг ижтимоий шарт-шароитлари ичида ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг сифат кўрсаткичлари ошиши етакчи ўрин эгаллайди.

Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат бозорида ишчи кучининг сотиш, сотиб олишнинг ҳал қилувчи ҳуқуқий шарт-шароити ҳисобланади.

Ишчи кучига талаб ва таклиф нисбати яхшиланишига табиий-иқлим шароитлари муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Юқори унумдор қишлоқ хўжалиги ерларида ва етарлича сув билан таъминланган яшаш жойларида ишчи кучи кўпроқ жамланади ва ишчи жойлари нормал фаолият кўрсатади. Янги иш жойларини яратиш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш йўли билан ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга маълум даражада имкониятлар вужудга келтирилади. Бу эса меҳнат ресурсларининг ортиқчалик даражасини, демак, ишсизлик миқёсини ҳам кескин камайтиришга бевосита таъсир этади.

Шу билан бирга ортиқча меҳнат ресурсларига эга республикамиз ҳудудларида ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифи пасайишига бевосита таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Ишчи кучига талабнинг ошишини асословчи омилларга қуйидагилар киради: ноқишлоқ хўжалиги тармоқларда янги иш жойларини яратиш, меҳнат қўлланиладиган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш, модернизациялаш, қайта таъмирлаш, хорижий сармояларни жалб қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти кўламини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар. Шу билан бир вақтда ишчи кучи таклифини ва иш жойларига эҳтиёжни пасайтирувчи омиллар вужудга келади ва улар таъсир қила бошлайди: шахсий ёрдамчи хўжалик, якка меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилишнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усулларини татбиқ этиш, инфляция ва ишсизликни пасайтириш, маҳаллий кадрларнинг мобиллигини (сафарбарлигини) ҳамда малакасини ошириш ва бошқалар.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ҳудудларда эса бир қатор омиллар ишчи кучига талабнинг пасайишига кўмаклашади. Хусусан, бу ижара ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш, тўлаш қобилиятига эга бўлмаган ёки экологик зарарли корхоналарни ёпиш, янги ерларни ўзлаштириш кўламини қисқартириш, моддий-техникавий ва молиявий ресурслар таъминотини яхшилаш, интенсив технологияни қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳоказо. Бундан ташқари, мазкур ҳудудларда ишчи кучи таклифини оширувчи омиллар мавжуд: кадрларнинг малакаси, маълумоти, мобиллик ва экспортабеллик даражасининг пастлиги, меҳнат ресурслари сони ўсиш суръатининг иш жойлари миқдорига нисбатан юқорилиги, қишлоқ хўжалигида ишловчиларни иш жойидан озод этишнинг кўпайиши, меҳнатни қўллаш минтақаларининг етишмаслиги ва бошқалар.

Шу билан бирга шундай омиллар ҳам борки, улар комплекс ҳолида ишчи кучи таклифининг шаклланиши ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: ишлашни хоҳловчилар, ёлланган ходимлар ва иш берувчиларнинг табиий ва механик ҳаракатлари; турмуш учун зарур бўлган

маблағлар жамғармаси; ёлланган ходимларнинг пул даромадлари; нафақахўрлар ва болалик аёлларнинг меҳнат ва ижтимоий пенсиялари, имтиёзлари ва кафолатлари; касбий тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга зарурияти бўлган шахсларни маблағлар билан таъминловчи давлат, корхона ва оиланинг молиявий имкониятлари; шахсий ёрдамчи хўжалигида ва ёлланмасдан “уй меҳнати”да банд бўлганлар сони; Қуролли Кучларда хизмат қилувчилар сони ва уларда хизмат қилиш муддати; муқобил ва малакали касбий хизматларни такомиллаштириш ва ҳоказо.

Ишчи кучига талабнинг ўсиши ёки камайиши (динамикаси) қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши билан аниқланади: мавжуд бўлган ва янгидан яратиладиган ишчи жойлари; инвестиция салоҳияти ва унинг такрор ишлаб чиқариш тузилиши; иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар; мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги; корхоналар ва ташкилотларнинг тўловга қодир эмаслиги (банкротлиги) ва ҳоказо.

## 1.2.Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.

Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳоли бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат можороларини бартараф этиш бўйича иш берувчи билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди. Меҳнат бозорида мазкур муносабатлар жамоавий, шахсий усуллар асосида тартибга солинади (1.-расмга қаранг).

Жамоавий битимлар тузилаётганда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси», Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Конвенцияси ва тавсияларига асосланилади. ХМТ конвенциясининг 54-бандиаа̀ таъкидланганидек, "Жамоавий музокаралар, бир томондан, тадбиркор, тадбиркорлар гуруҳи билан, бошқа томондан эса, меҳнаткашларнинг битта ёки бир неча ташкилоти ўртасида: а) меҳнат шароити ва бандликни белгилаш; б) тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари ва меҳнат-кашларнинг ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларида олиб бориладиган барча музокараларни билдиради"..

Меҳнат бозорида бундай тартибга солишни қўлланишнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, унда қабул қилинадиган қарорлар ниҳоятда қайишқоқ (эгилувчан, мослашувчан) бўлади, уларни на қонунчилик, на суд ва маъмурий усулларга қиёслаб бўлмайди.




**1-расм Меҳнат бозорида тартибга солувчиларнинг ҳаракатлари чизмаси**

## 1.3.Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари.

Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аниқ мақсадли вазифаси – ишчи кучига бўлган эҳтиёжни кенгайтиришга ва иш кучини самарали таклиф этишни қўллаб-қувватлашга кўмаклашишдан иборат бўлиб, бундан кўзда тутилган мақсад:

-иқтисодий ўсиш имкониятларини яхшилаш учун меҳнат ресурсларини ривожлантириш ва уларни таркибий ўзгаришларга мувофиқлаштириш;

-биринчи навбатда ноқулай шароитларда яшаётган аҳоли гуруҳлари иш билан бандлиги учун имкониятларни яхшилаш, иш билан бандликка бўлган қобилиятни ошириш йўли билан ижтимоий тенгликка кўмаклашиш;

-иқтисодий таназзул даврида иш билан бандликни барқарорлаштириш ва иқтисодий юксалиш босқичида иш кучининг етарли таклиф қилинмаслигига барҳам бериш учун шарт-шароитлар яратиш.

Агар фаол сиёсат концепцияси меҳнат бозорини тартибга солишнинг белгиловчи стратегияси сифатида намоён бўлмаса, бу ҳол ижтимоий ривожланишдаги учта ижтимоий-иқтисодий йўналишдан бири устун бўлиб қолиши мумкин.

1. Жамиятнинг иқтисодий воқеликлари ва ижтимоий имкониятларини инкор қилувчи “ижтимоий популизм стратегияси”. Меҳнат бозорида аҳолини ўта юксак ижтимоий ҳимоя қилиш талаблари инфляциянинг янгидан авж олишига сабаб бўлади, иқтисодий пассивлик вужудга келади, бу эса иш ўринлари тизимини сифат жиҳатидан ўзгартириш имкониятларини ва меҳнатни сарфлашнинг янги соҳаларини ривожлантиришни чеклайди. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, бу ҳол иш берувчини иш кучини қўшимча равишда ёллашни чеклашга мажбур қилади, бу эса ишсизликнинг ортишига сабаб бўлади.

2. Фақат фаол иқтисодий ўзгаришларга умид боғловчи ижтимоий кескинликнинг йўл қўйиладиган чегараларини инкор этадиган “иқтисодий-технологик детерминизм”.

Аҳолини оқилона ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги шунга олиб келадики, жамиятдаги иқтисодий ўзгаришлар учун хавф солишнинг асосий манбаи ижтимоий-сиёсий соҳага кўчади, оммавий ишсизликнинг ўсиши оқибати сифатида ижтимоий хавфли даражадаги ижтимоий портлаш рўй бериши мумкин.

3. “Пассивликнинг такрорланиши”. У шунга асосланадики, мутахассисларнинг ишсизликнинг ўсиши ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари кескинлашуви ҳақидаги тахминлари асоссиздир. Шунинг учун ҳам меҳнат бозоридаги сиёсат ва унинг сифат жиҳатидан ўзгариши кейинги ўринга сурилади. Бундай ёндашув хавфлидир, чунки у хилма-хил мавжуд ва юзага келаётган муаммоларни фақат ҳозирча мажбурий иш билан бандликдан иборат қилиб қўяди ва пировард натижада самарасиз расмий иш билан бандликнинг тўхтатилишига сабаб бўлади, у муқаррар равишда ошкора ишсизликка ўсиб ўтади ёки иқтисодий ислоҳотларни йўққа чиқаради.

Юқорида баён қилинганларга боғлиқ равишда меҳнат бозорининг тартибга солинувчанлиги ижтимоий-меҳнат муносабатларидаги энг мураккаб ва боғловчи иш билан банд ҳисобланади.

Меҳнат бозори муносабатларини тартибга солиш комплекс-шартнома тизимининг қайишқоқлиги, шунингдек, муносабатлари соҳасида тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариш ҳақидаги кенг ёйилган тўғри тасаввурларга ўãà áўëèøäèð. Айрим ходим музокараларда ўзидан анча кучли шериги - иш берувчига нисбатан якка тартибда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлари билан қаршилик кўрсата олмайди Боз устига, жамоавий шартномага кўра, малакаси паст ҳамда етарли даражада юқори унум билан ишлай олмайдиган ишчи кучининг иш жойи муайян муддатга сақлаб турèëади. Жамоавий шартнома меҳнат муносабатлари барқарорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоавий шартнома тизими меҳнат бозоридаги хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларидаги можароларни ўзича бартараф эта олмайди. Чунки, ушбу можаролар асосини ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, интилишлар, талаблардаги фарқлар ташкил этади. Гарчи, жамоавий битимлар тизими манфаатларни келишиб олиш, ўзаро бир қарорга келиш ва можароларни тезлик билан бартараф этиш жараёнларини кўзда тутсада, музокаралар жараёни анча мақбул натижаларга эришиш имкониятини ҳам яратади. Айни пайтда битим шартлари шартнома шаклини олиб, икки томонни мазкур шартлар асосида ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида охирги чораларни кўрмасдан, яъни, иш ташлаш ёки ишдан бўшатишга йўл қўймай, ҳаракат қилишга мажбур этади.

Мазкур усуллар нималарда ифодаланишини батафсил кўриб чиқайлик.

**Ишчи кучига талабни ошириш усули.** Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, экинларни етиштиришда таркибий тузилмани қайта қуриш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан бўшатилаётган ходимлар сони тез кўпаймокда.

**Ишчи кучларига таклифни камайтириш усули.** Ишчи кучларига бўлган таклифни камайтиришга, шунингдек, уларнинг меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин.

**Ишчи кучларига талабни камайтириш усули.** Мазкур усулга ҳудудий хокимиятларнинг у ёки бу минтақаларда, тармоқлари ёки касб-ҳунарларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтиришни секинлаштиришга оид қуйидаги чора-тадбирлар: ортиқча ишчи кучларидан фойдаланганлик учун кўшимча солиқларни белгилаш; қаттиқ кредит сиёсатини ўтказиш; корхонага ходимни ишга олганлиги учун бир марталик тўловни жорий этиш; ортиқча ишчи ва хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, ишчи кучларига талабни камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Ишчи кучлари таклифини кўпайтириш усули.** Ҳозирги шарт-шароитларда меҳнат бозорига ишчи кучлари таклифини мутлақ кўпайтириш, умуман, мумкин эмас. Ишчи кучлари таклифини кўпайтиришга саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ва шахсий меҳнат фаолияти соҳаларининг ривожи жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Меҳнат бозори муносабатларини тартибга солиш комплекс-шартнома тизимининг қайишқоқлиги, шунингдек, муносабатлари соҳасида тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариди.

Айни пайтда битим шартлари шартнома шаклини олиб, икки томонни мазкур шартлар асосида ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида охирги чораларни кўрмасдан, яъни, иш ташлаш ёки ишдан бўшатишга йўл қўймай, ҳаракат қилишга мажбур этади.

Ходим билан тузилган шахсий шартнома иш берувчи учун анча фойдалидир. Шахсий шартнома тизими ёлланувчининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради.

Жамоавий битимларга кўра эса, бундай қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тузиладиган шахсий битим кўп ҳолларда ёлланувларни ижтимоий кафолатларнинг каттагина қисмидан маҳрум этади.

Меҳнат муносабатларини шахсий услубда тартибга солиш ва бандликнинг қайишқоқ шаклларини жорий этиш - ёлланувлар кучидан фойдаланишни (эксплуатацион характерда) кучайтириш ҳамда доимий ишловчи шахслар учун илгари мавжуд бўлган ижтимоий кафолатлардан воз кечилишидан ташқари яна бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, ривожланган мамлакатлардаги меҳнат бозорларида доимий ишчи кучларини вақтинча ёки тўлиқсиз иш вақтида ишловчи шахслар (ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ҳоказо) билан алмаштириш қоида тусига кирмоқда. Табиийки, мазкур ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ижтимоий жиҳатдан кам муҳофазаланган ва жамоавий шартномалар билан қамраб олинмаган.

Жамоавий шартнома меҳнат муносабатлари барқарорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоавий шартнома тизими меҳнат бозоридаги хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларидаги можароларни ўзича бартараф эта олмайди. Чунки, ушбу можаролар асосини ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, интилишлар, талаблардаги фарқлар ташкил этади. Гарчи, жамоавий битимлар тизими манфаатларни келишиб олиш, ўзаро бир қарорга келиш ва можароларни тезлик билан бартараф этиш жараёнларини кўзда тутсада, музокаралар жараёни анча мақбул натижаларга эришиш имкониятини ҳам яратади. Келажакда жамоавий битимлар, шунингдек, меҳнат бозори фаолиятини, кадрларни ўқитиш ва малакаларини ошириш ҳамда ўзгартириш, уларнинг иш ҳақи ва ишсизларни иш билан таъминлаш кўрсаткичларини тартибга солиш масалаларини ҳам қамраб олади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, асосан жамоавий меҳнат шартномаси тизими ва бевосита давлатнинг тартибга солиб бориши амал қилишига қарамай, ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар якка тартибда ҳам ҳал этилиши мумкин.

Ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ижтимоий жиҳатдан кам муҳофазаланган ва жамоавий шартномалар билан қамраб олинмаган. Шу боис

давлат, айниқса, хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ёллашнинг шахсий шартнома шакллари ривожини назорат қилиб бориши керак. Акс ҳолда, норозилик кучайиши натижасида давлат ишсизлик бўйича ижтимоий тўловларни анча кўпайтиришга мажбур бўлиб қолади**.**

Ходим билан тузилган шахсий шартнома иш берувчи учун анча фойдалидир. Шахсий шартнома тизими ёлланувчининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради. Ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ижтимоий жиҳатдан кам муҳофазаланган ва жамоавий шартномалар билан қамраб олинмаган.

### 1.4. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш услублари.

Меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда статистик ва норматив услублардан фойдаланилади.

**Статистик услуб ёрдамида** турли йиллар учун тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда бир хил методикадан фойдаланиш керак, чунки методик фарқлар турли даврлардаги коэффициентларнинг миқдорини таққослаб таҳлил қилишни мушкуллаштиради.

**Норматив услуб** асосида тўғри меҳнат сарфларининг коэффициентларини аниқлашда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари меъёри, шунингдек, объектлар ривожланишининг техник-иктисодий кўрсаткичлари ҳам қўлланилади.

Маҳсулотларнинг сермеҳнатлиги ҳисоб-китоби ва èñòèқáîëини янада такомиллаштириш мақсадида унинг äèíàìèêàñèга(ўсишига) айрим омиллар таъсирини аниқлаш зарур. Омиллар таъсири бўйича сермеҳнатликнинг таҳлили учун математик статистика услуби, хусусан, кўпомиллик моделлар услубидан фойдаланиш мумкин. Омилларни танлаб олишда биринчи навбатда, сермеҳнатликка жиддий таъсир қилувчи меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини танлаш керак. Танлаб олинган кўрсаткичлар миқдорий ўлчаниши лозим.

Маҳсулот сермеҳнатлиги äèíàìèêàñèнинг таҳлили учун омилларнинг умумий миқдоридан қуйидагилар танлаб олинади: меҳнатнинг фонд билан таъминланганлиги; меҳнатнинг энергия билан таъминланганлиги; ихтисослаштириш коэффициентлари; янги техникани татбиқ этиш харажатларè; кадрлар қўнимсизлиги; малакали ходимлар улуши; қўл меҳнатининг улуши; меҳнат ресурслари умумий сонидаги ишловчиларниíã улуши. Улар асосида ишлаб чиқариш функцияси шакллантирилади ва маҳсулот сермеҳнатлиги ўсишининг иқтисодий-математик таҳлили ўтказилади.

Юқорида қайд этилган услублардан бир вақтда фойдаланиш, яъни тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлаш **янги услубнинг** пайдо бўлишига асос бўла олади.

Ушбу услуб асосида тўғри меҳнат сарфлари èñòèқáîë коэффициентларини аниқлашнинг асосий босқичларини кўриб чиқамиз:

1. Таққослаш маълумотлàрини олиш мақсадида меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБи тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ТАБи тармоқларининг таснифига кўра, гуруҳланиш ўтказилади, сўнгра тўғри

меҳнат сарфларининг янги ҳисобот коэффициентлари ҳисоблаб чиқиш.

2. Тўғри меҳнат сарфларининг тузатиш керак бўлган энг муҳим коэффициентлари танлаб олинади. Бундан ташқари ҳудуднинг ҳар бир тармоғида меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланганлигига, иш ҳақи ҳамда маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтига тузатишлар киритиш зарур бўлади.

3. Тўғри меҳнат сарфлари коээфициентлари ўзгаришининг ЯИМ ҳажми ва таркибига турлича таъсир курсатиши.

ЯИМ ҳажми ва таркиби таҳлилида корхоналарнинг репрезентативлигини ҳисобга олиш керак, улар уни ишлаб чиқаришда энг катта салмоққа эга бўлмоғи лозим.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғидан вакил-корхоналарга тегишли тўғри меҳнат сарфларининг энг муҳим коэффициентлари ажратилади. Улар ўртасидаги ҳамда тўғри меҳнат сарфларининг ўртача коэффициентлари орасидаги фарқларни асословчи сабабларни аниқлаш учун тадқиқ қилинаётган ҳудуд меҳнат ресурсларининг иқтисодиёти ўрганилади. Айнѐ бир вақтда вакил корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ҳàì таҳлил қилинади.

Мазкур босқичда вакил корхоналар учун тўғри меҳнат сарфларининг энг муҳим коэффициентлари меҳнат сарфлари ишлаб чиқилган ҳисобот ТАБи маълумотлари асосида ҳисобланади.

4. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга меҳнат сарфларининг меъёрлари маҳсулот ишлаб чиқариши ва тақсимлашнинг ТАБига мувофиқ гуруҳларга ажратилади ва тузатишлар киритилади.

5. Кўпомилли моделлар ёрдамида танлаб олинган омилларни маҳсулот сермеҳнатлигини таъсири даражаси аниқланади ва унинг кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

6. Тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлаш жараёнида юқорида кўрсатилган маълумотлардан ташқари тадқиқ қилинаётган вакилѐ корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининíã техник ва энергетик жиҳозланиши, қўл меҳнати улуши ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ТАБининг юқорида баён этилган методологияси ва кўрсаткичлари асосида меҳнат кўринишидаги ТАБлар тузилади. У маҳсулот ишлаб чиқаришга жонли ва буюмлаштирилган меҳнат сарфларини тўғри ва тўлиқ бандлик коэффициентларини аниқлашга имкон беради.

Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш бўйича иқтисодиётнинг тармоқлари ва секторлари ўртасида яқин алоқа ўрнатишга, уларда «тор жойларни» топишга ва уларни йўқотиш йўлларини белгилашга имкон беради. Айни бир вақтда мавжуд мутаносибсизлик аниқлашда, иқтисодиёт ва ишчи кучи бандлиги, талаби ҳамда таклифини такомиллаштирилади.

## Бахс мунозаралар учун саволлар

1. Меҳнат бозори нима?
2. Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
3. Меҳнат бозорининг қандай асосий вазифалар бор?
4. Меҳнат бозорининг шаклланишига қандай шарт-шароитлар таъсир этади?
5. Меҳнат бозори шаклланишининг қандай тамойиллари мавжуд?
6. Мазкур бозор шаклланишининг қандай омиллари бор?
7. Ишчи кучига талаб ва таклиф шакилланишига нималар тўсиқ бўлади?
8. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти нимада?
9. Жамоа ва шахсий меҳнат шартномларининг ўрни қандай?
10. Меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган худудларда меҳнат бозори қандай усуллар асосида тартибга солинади?
11. Меҳнат бозори ривожланишининг бош мақсади нима?
12. Меҳнат бозорини қандай ривожланиш босқичлари мавжуд?

## Фойдаланилган адабиётлар

1.Abduraxmonov Q.X., Shoyusupova N.T. Aholini ish bilan bandligi. O'quv qo'llanma. – T.: 2011. – 291 b.

2. Abduraxmonov Q.X., Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sostiologiyasi. O'quv qo'llanma. – T.: 2013. – 534 b.

3.Xolmo'minov Sh.R., Xolmurodov S.E. Mehnat bozori iqtisodiyoti. – T.: 2013. –228 b.

4. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.–144 б.

## 2-мавзу. Аҳоли бандлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

**Режа:**

2.1. Аҳоли бандлигининг таъминлашнинг қонуний асослари.
2.2. Республикадаги демографик вазият.
2.3. Аҳолини бандлигини таъминлашдаги муаммолар.
2.4.Аҳоли бандлигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар.

**Калит сўзлар:** аҳоли бандлиги, демография, демографик вазият, Аҳолини бандлиги, бандлик муаммолари.

### 2.1. Аҳоли бандлигининг таъминлашнинг қонуний асослари

Аҳолини иш билан бандлиги инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у меҳнат масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳамда меҳнатга бўлган талаб ва таклифларни қондириш йўлларини очиб беради. Иш билан бандлик кишиларнинг иш жойлари қаердалигидан қатъий назар, ижтимоий фойдали меҳнатга қатнашиши юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларидир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Аҳолини иш билан бандлиги тоифаси фақат иқтисодий компонентлар билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир. Шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келадиган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик унинг асосий хусусияти ҳисобланади. Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида намоён бўлар экан уни қуйидагича таърифлаш мумкин. Иш билан бандлик- фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтириладиган фаолиятидир. Иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир риқожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муаййян модели мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятларининг муҳим жараёнларини очиб беради. Тажриба шуни кўрсатадики, жамият муаммолари ичида инсоннинг шахсий ва талаб эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш омадсизликка маҳкум этади. Шунинг учун аввалари олимлар иш билан бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтда иш билан бандликнинг ижтимоий жиҳатлари тўғрисида тобора кўпроқ гапирилаётганлиги бежиз эмас. Аҳолининг иш билан бандлик концепцияси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муайян босқичидаги иш билан таъминланишининг хусусиятини очиб берадиган қарашлар тасаввуфлар тизимидир. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунини 2-моддасида қайд этилганидек: «Иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир».

Қуйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан,, ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан,, вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;
- бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйганлиги муносабати билан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;
- ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан,, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- Қуролли кучларда, Миллий хавсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;
- таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»га мувофиқ қуйидаги сабабларга кўра вақтинчалик иш жойида бўлмаган фуқароларнинг иш жойи сақланиб қолади ва улар иш билан таъминланган, деб ҳисобланадилар:

- давлат ва жамоат вазифаларини бажараётган вақтда;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажарганда;
- жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда.

Ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролар тоифасига қуйидагилар киради:

- тадбиркорлар;
- фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этаётган оила аъзолари;
- деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- кооперативларнинг аъзолари;
- ёзувчилар, рассомлар ва бошқалар.

Иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли учун, шу жумладан,, ишсизлар учун иш билан таъминлаш мақомини белгилаб олиш муҳимдир. Одатда беш мақом бор.

1. Ёлланма ходимлар - булар корхона раҳбарияти билан меҳнат фаолияти шартлари тўғрисида тузилган ёзма контракт (шартнома) ёки оғзаки битим бўйича ишлайдиган шахслар бўлиб, улар ана шу фаолият учун ёлланиш вақтида келишиб олинган иш ҳақини оладилар.

2. Якка тартиб асосида ишлайдиганлар - мустақил равишда фаолият олиб борадиган, ўзларига даромад келтираётган иш билан шуғулланадиган, фақат қисқа муддатга ёлланма ходимлардан фойдаланадиган ёки фойдаланмайдиган шахслар.

3. Иш берувчилар - ўзининг ҳиссадорлик жамиятини, хўжалик ширкатини ва ҳоказони бошқарадиган ёки бунинг учун давлат томонидан вакил қилинган шахслар. Иш берувчи ўз функцияларини ёлланма бошқарувчига тўлиқ ёки қисман

топшириб қўйиши, корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун жавобгарликни ўзида олиб қолиши мумкин.

4. Оилавий корхоналарнинг ҳақ тўланмайдиган ходимлари - қариндошига тегишли бўлган оилавий корхонада ҳақ олмасдан ишлайдиган ходимлардир.

5. Иш билан таъминлаш мақоми бўйича таснифлашга тўғри келмайдиган шахслар - илгари ўзларига даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмайдиган кишилар. Уларга иш билан таъминлашнинг бирон-бир мақомига мос келмайдиган шахслар ҳам киритилади.

Аҳолини ҳисобга олишнинг амалий эҳтиёжи иш билан таъминлашнинг турларини ажратиб кўрсатиш зарурлигини назарда тутади. Масалан, тўлиқ, оқилона ва эркин танланган иш билан таъминлаш бўлади.

Тўлиқ иш билан таъминлаш - бу касбга оид меҳнат билан таъминланиш бўлиб, у шахсга даромад келтиради ва ўзи ҳамда оиласининг муносиб турмуш кечиришига шароит яратади.

Аҳолининг иш билан оқилона таъминланиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади.

Эркин танланган иш билан таъминлаш шуни назарда тутадики, бунда ўзининг меҳнат қилишга бўлган қобилиятига (иш кучига) эгалик қилиш ҳуқуқи фақат унинг эгасига, яъни ходимнинг ўзига тегишли. Мазкур тамойил ҳар бир ходимнинг иш танлашида тўғри йўл тутишини, ҳар қандай маъмурий тарзда ишга жалб қилишни тақиқлашни кафолатлайди.

Иш билан таъминлашнинг юқорида келтириб ўтилган турлари аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжи билан иш ўринлари ўртасидаги мувозанатни миқдор ва сифат жиҳатидан таъминлаш ҳолатини акс эттиради, бунда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Бозор муносабатларига ўтиш даври шароитида меҳнат самарадорлиги ортиб боришига қараб, касбий меҳнат билан таъминланиш даражаси умуман мамлакат бўйича қисқариб боради. Бунга сабаб шуки, юқори самарали иқтисодиёт нисбатан камроқ миқдордаги ходимларга муҳтож бўлади, шунингдек, аҳолида ижтимоий фойдали меҳнатнинг бошқа турларига қизиқиш ортиши билан унинг иш ўринларига бўлган эҳтиёжи ҳам камайиб боради.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг ҳуқуқий асоси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” 1992 йил 13 январдаги 510-XII-сон Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 31 декабрдаги 606-сон Қарори;
- Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири. 1998 йил 1 майдаги 616- I-сон Қонуни ҳисобланади.

Жамғарманинг асосий вазифаслари қуйидагилардан иборатдир:

- иқтисодий тизимни малакали ишчи ва хизматчилар билан таъминлаш;

- бир тармоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини қайта малакасини ошириш;
- махсус меҳнат биржаларини ташкил этиш;
- ишсизларни моддий таъминлаш каби вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл Жамғармасининг ҳуққий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони ташкил этиб, мамлакатимиз умумий инфраструктурасини модернизациялаш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларида ташкил этилган.

Иш билан таъминлаш муносабатларини иқтисодий, демографик ва ижтимоий жараёнлар тақозо қилади. Унинг иқтисодий мазмунини ходим учун ўз меҳнати билан ўзига муносиб тарзда яшашни таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ёрдам бериш имкониятида ўз ифодасини топади. Ижтимоий мазмун шахснинг таркиб топиши ва ривожланишида ифодаланади. Демографик мазмун иш билан таъминлаш аҳолининг ёш ва жинсий хусусиятлари, унинг таркиби ва бошқалар билан боғлиқлигини акс эттиради.

Аҳолини иш билан таъминлашнинг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа мазмунлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайтириш ва бошқалар.Бундай назарий тушунчалар марказига уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типидаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларини ҳисобга олувчи иш билан таъминланишининг шаклланиши қўйилади. Бу ўз навбатида муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди. Иш билан бандлик ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир босқичига хос турли кўриниши ва шаклларида намоён бўладиган ўзига хос ходисадир. Ибтидоий жамоа тузуми жамият аъзоларининг иш билан тўлиқ бандлигига асосланган эди. Унинг боиси ишлаб чиқарувчи кучларнинг паст даражада ривожланганлигида эди. Қулдорлик ва феодал формациялар асосан қуллар ва крепостнойларнинг иш билан мажбурий бандлигага асосланган бўлиб қулдорлар ва крепостнойлар ишламасдан ҳаёт кечирар эдилар. Доирасида инсон хуқуқий жиҳатдан эркин бўлган ва ёлланма ходим сифатида намоён бўладиган бозор иқтисодиётига эга бўлган капиталистик тузумда иш билан банд бўлмаган аҳоли мавжуд бўлиши муқаррардир. Бундай иш билан банд бўлмаслик ва ноилож ишсизлик шаклида бўлади. Социализм шароитида тўлиқ (“ялпи”) иш билан бандлик эълон қилинган бўлиб бу эса кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашган мажбурлиги билан мустаҳкамланган эди. Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолига барча ёлланиб ишлаётган ходимлар, ўқувчилар, ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда ўзини ўзи мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар киритилган.

Аҳолининг иш билан бандлари: а) пул билан ёки натура ҳолдаги ҳақ эвазига ёлланиб шунингдек ўз фаолияти эвазига қанча муддат ҳақ ёки даромад олишдан қатъий назар, фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмасдан хафтасига камида икки соат иш бажарганда; б) касаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб турувчилар; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш кунларида, ўз иш жойидан ташқарида таълим олган

Бу кучларнинг иш билан бандликни ривожлантиришда яқиндан ўзаро ёрдам беришлари иш билан бандликнинг ҳолатига фаол таъсир кўрсатиб, унинг сифат жиҳатларининг ҳар томонлама яхшиланишига ёрдам беради. Бундай жиҳатларга иш билан банд аҳолининг маълумот ва касб-малака таркиби, унинг тармоқ ва демографик тузилиши, юқори ижтимоий-иқтисодий ҳаракатчанлик, рақобатдошлик ва шу кабилар киради.

Меҳнат - инсоннинг ўзига хос хусусиятларига эга фаолияти бўлиб, ҳаракатларнинг англатганлиги, куч-қувват сарфланиши, натижадорлик, ижтимоий фойдалилик ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Меҳнат вақт хусусиятига эга, у бўлинади ва дам олиш билан алмашиниб туради.

Меҳнат ишчи кучини ишлаб чиқишда ишлатиш жараёнидир. Иш билан бандлик инсоннинг меҳнат қилиш муносабати ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларини кондириш билан боғлиқ ҳолда кечадиган ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонларидан биридир. Меҳнатдан фарқли уларок, иш билан бандликни кишиларнинг аниқ; иш жойидаги амалий фаолиятига тенглаштириб бўлмайди. Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли кишиларнинг иш билан қандай таъминланганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, кишини иш билан банд ҳисоблаш учун у бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиши ёки ўз ишини яратиши керак.

## 2.2. Республикадаги демографик вазият

Ҳар бир мамлакатдаги демографик вазият иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади. Туғилиш даражасининг ўсиши муайян вақтдан сўнг меҳнат бозорида иш билан бандлик тегишли равишда ўзгаришига ҳамда давлат бюджетининг ижтимоий эҳтиёжларга харажатлари даражасига, шунингдек таълим ва соғлиқни сақлаш тизими амал этишига ўз таъсирини кўрсатади. Демографик тенденцияларнинг ўзгариши ва инсонни ривожлантириш – ўзаро боғлиқ жараёндир.

*Демография* (кўҳна юнонча “δεμος “— “халқ” ва “γράφω” — “ёзаман” сўзларидан) — – аҳоли такрор ҳосил қилиниши қонуниятлари, унинг ижтимоий-иқтисодий, табиий шароитлар, миграцияга боғлиқлиги, аҳолининг сони, уларнинг ҳудудларда жойлашиши, таркиби, ўзгариши, сабаблари ва мазкур ўзгаришлар оқибатлари тўғрисидаги фандир.

Демографик вазият мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. У аҳолининг табиий ўсиши, миллий ва ижтимоий таркиби, миграцияси, меҳнат ресурслари ва уларнинг иш билан бандлиги каби категорияларни мужассамлаштиради.

Демографиянинг предмети аҳолини табиий такрор ҳосил қилиш қонунидир. Умуман олганда, демографиянинг фан сифатида учта муҳим вазифаси ажратиб кўрсатилади:

● демографик жараёнлар тенденциялари ва омилларини ўрганиш;

● демографик прогнозларни ишлаб чиқариш;

● демография соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш.

Демографи фани узоқ вакт давомида амалий эҳтиёжларга мувофиқ аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва талқин этиш билан шуғулланиб келган. Демографиянинг ушбу функцияларини бажариши жараёнида унинг тадқиқот усуллари муттасил такомилашиб борди.

“Демография” атамаси биринчи бор француз олими А. Гийярнинг “Инсон статистикаси унсурлари ёки таққослама демография” (A. Guillard, “Eléments de statistique humaine ou Démographie comparée”, 1855) китоби номида пайдо бўлди. Муаллиф демографияга *кенг маънода – “инсон зотининг табиий ва ижтимоий тарихи”* ёки *торроқ маънода – “аҳоли, унинг умумий ҳаракати, жисмоний, фуқаролик, интеллектуал ва аҳлоқ холатини математик англаш”* сифатида қараган.

“Демография” атамаси 1882 йилда Женевада бўлиб ўтган Гигиена ва демография бўйича халқаро конгресс номланишида расмий эътироф этилди.

Қадимий даврлардаёқ аҳолини рўйхатга олиш зарурати туғилган. Кўҳна Греция, Рим, Хитойда, кейинчалик Ўрта асрларда аҳолишунослик тўғрисидаги билимлар ва тассавурлар мавҳум, тизимсиз бўлганлиги тушунарлидир. Айрим мамлакатларда оилалар, туғилишни тартибга солишга ҳаракат қилиб кўрилган. Ўша даврлардаёқ мутафаккирлар аҳоли сони билан инсон ривожланиши ўртасидаги алоқадорликка эътибор қаратганлар.

Конфуций (милоддан илгари тахминан 551-479 йиллар) ишлов бериладиган экин майдонлари билан аҳоли сони ўртасидаги энг мақбул нисбатни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрган. Унинг фикрича, бу нисбатнинг бузилиши қуйидаги сабабларга олиб келиши мумкин бўлган:

● аҳоли сони кам бўлса, экинзорларга ишлов бериш ёмонлашади ва деҳқонлар солиқ тўлашдан бош тортади;

● аҳоли ниҳоятда зич бўлса, одамларнинг қашшоқлашиши, бекорчиларнинг кўпайиши сабабли ижтимоий муаммолар кучаяди.

Бундан аҳоли сони давлат томонидан тартибга солиниши кераклиги ҳамда одамларни аҳоли зич минтақалардан аҳоли кам бўлган ҳудудларга кўчириш масаласини ҳал қилиш талаб этилиши каби хулосалар чиқарилган.

Платон (милоддан аввалги 428-347 йиллар) идеал давлат тўғрисидаги таълимотида эркин фуқароси 5040 нафар бўлган давлат ана шундай моделга жавоб беришини кўрсатган. У никоҳ муносабатларида ҳам муайян тартиб ўрнатишни таклиф этган, жумладан эркаклар фақат 30 ёшдан 55 ёшгача фарзанд кўриши мақсадга мувофиқлигини асослаган. Платон шундай ёзади: “никохлар сонини белгилашни ҳамда уруш, касалланиш ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда эркаклар сони имконият даражасида муқим бўлиши, давлат имконияти борича катталашмаслиги ҳам, кичиклашмаслиги ҳам чораларини кўришни ҳукмдорлардан сўраймиз”.

Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ҳам эркин фуқаролари камсонли бўлган давлатни идеал деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, фуқаролар сонининг кам бўлиши ижтимоий уйғунликни таъминлайди, аҳоли ҳаддан ташқари кўп бўлганда эса бунга эришиш мумкин эмас. Аҳолининг ортиқчалиги улар томонидан эътирозлар билдирилиши ҳамда жиноятлар сони кўпайишига сабаб бўлади. Шу бмлае бирга оҳоли кўпайса, фуқароларнинг бир қисми ерга эга бўлмасдан қашшоқлашади.

Демографиянинг фан сифатда чинакам шаклланиши XVII аср иккинчи ярмига тўғри келади. Ана шу вақтда капитализмнинг ривожланиши аҳолишуносликни ўрганишга доимий эҳтиёж туғдирди.

Тарихан олиб қаралганда демографияда илмий ўрганишнинг биринчи объекти одамлар ўртасидаги ўлим бўлди. Авлодлар ўлими хақидаги билимлар умр кўриш давомийлигини (туғилиш даражаси муқим бўлса, аҳоли сони ҳам барқарор бўлади) аниқлаш ҳамда ҳаётни суғурталашда умр кўриш давомийлигига боғлиқ равишда суғурта тўловлари микдорини хисоблаб чиқиш имконини берарди.

XVIII асрда айрим мамлакатларда вафот этганлар ва туғилганлар ҳамда аҳоли сонини аниқлашга дастлабки уринишлар кузатилди.

XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошида АҚШда аҳолини рўйхатга олишнинг замонавий усулига асос солинди, 1790 йилда аҳолини жорий ҳисобга олиш йўлга қўйилди. Демографияда аҳолини такрор хосил қилиш тадқиқотларнинг марказий объектига айланди.

*Аҳолини такрор ҳосил қилиш* – аҳолининг табиий ҳаракати натижасида авлодларнинг армашинишидир. Аҳолини такрор хосил қилиш туғилиш ва ўлимлар сонига қараб аниқланади. Демографик жамланма кўрсаткичлар ўзгаришига мувофиқ, аҳоли такрор ҳосил қилинишининг уч асосий тарихий турини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Улардан биринчиси – *аҳолини такрор ҳосил қилишнинг қадимий туриди*р. У ибтидоий жамият учун хос бўлган ва ҳозирги пайтда учрамайди.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг иккинчи тури – *"анъанавий" ёки "патриархал" такрор ҳосил қилиш туридир.* У аграр жамиятда ҳамда индустриал жамиятнинг илк боқичларида устунлик қилган. Туғилиш ва ўлим даражаси юқорилиги, ўртача умр кўриш давомийлигининг пастлиги бу турнинг асосий белгиларидир.

Кўпболалик анъанавий одат бўлиб, у аграр жамиятда оила яхши амал этишига кўмаклашади. Ўлим даражасининг юқорилиги эса одамлар турмуш даражаси пастлиги, меҳнатнинг оғирлиги, тўйиб овқатланмаслик, тиббиётнинг зарур даражада ривожланмаганлиги оқибатидир. Такрор хосил қилишнинг бундай тури ривожланиш даражаси паст бўлган Нигерия, Бангладеш ва айниқса Эфиопия учун хосдир. Эфиопияда туғилиш даражаси - 45,0%, ўлим эса – 20,0 % ни, умр кўришнинг ўртача давомийлиги атиги 43 йилни ташкил этади.

Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида (Мексика, Бразилия, Филиппин ва бошқалар) кейинги 10 йилликда такрор ҳосил қилишнинг "анъанавий" тури жиддий равишда ўзгарди. Ушбу мамлакатларда тиббиётдаги муваффақиятлар туфайли ўлим даражаси 6,0 % – 10,0 % гача пасайди, лекин

туғилишнинг анъанавий ҳисобланган юқори даражаси асосан сақланиб турибди. Натижада ушбу давлатларда аҳолининг табиий ўсиши юқори – йилига 2,5 – 3,0 % ни ташкил этади. Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг бевосита ана шу - "ўтиш" тури XX аср охирида жаҳонда аҳоли сони ўсиши суръатлари юқори бўлишини таъминлади.

*Аҳолини такрор ҳосил қилишининг "замонавий" ёки "оқилона" тури* туғилиш даражаси пастлиги, ўлим даражасининг ўртачалиги, аҳолининг табиий ўсиши нисбатан камлиги ва умр кўриш ўртача давомийлигининг юқорилиги хусусиятларига эгадир. Мазкур тур аҳолининг турмуш даражаси ва маданияти юқорироқ бўлган, иқтисодий жихатдан ривожланган давлатлар учун хосдир. Ушбу мамлакатлардаги туғилиш даражасининг пастлиги оилани онгли тартибга солиш билан узвий боғлиқдир. Ўлим даражасига эса аҳоли таркибида катта ёшдагилар салмоғининг юқорилиги таъсир кўрсатади.

### 2.3. Аҳолини бандлигини таъминлашдаги муаммолар

Хўжалик юритишнинг янги шароитларида инсоннинг ишга жойлашуви унинг шахсий ишига айланиб қолди. Энди давлат унга шундай масалаларни ўзи ҳал этишида ёрдам беради холос. Бунинг устига, ишга жойлашув ишсизлик мавжудлиги шароитида рўй беради, бу эса ишсизлик муаммосини ҳал қилишни анчагина қийинлаштиради. Буларнинг барчаси Ўзбекистон фуқаролари учун янгидир. Ушбу шароитда улар яхши тайёрланган бўлишлари, меҳнат бозорида ўзларини қандай тутишни, ўзларининг қандай ҳуқуқлари, янги шароитларда қандай вазифалари борлигини, ишсиз қолган киши ўзини қандай тетиши лозимлигини, ишга қай йўсинда ёлланиш, қай тарзда иш излаш кераклиги ва ҳоказоларни билишлари зарур бўлиб қолмоқда. Аҳолига шу тарзда таълим бериш иш билан бандликка кўмаклашиш марказининг бош вазифаси бўлиб қолиши керак. Бу ҳозирги пайтда миллий иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг тахминан 2/3 қисми ходимлар сифатида қайта қуриш давридан олдинги пайтларда шаклланганлиги билан аҳамиятлидир.

Давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги фаолияти аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим йўналишдир. Давлат истеъмол ва инвестиция тусидаги товар ва хизматларга бўладиган талабни рағбатлантириб, шу асосда мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарда янги иш ўринлари яратиб бориши, иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ва ушбу тармоғда янги иш ўринлари очилишини рағбатлантирилиши лозим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида баён этилган йўл-йўриқлар ва Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш, юртимизнинг халқаро майдондаги салоҳияти ва обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Асарда таъкидланганидек, Ўзбекистонда ислоҳотларнинг машҳур беш тамойилга асосланган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели асосида амалга

оширилаётгани юртимизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Дастурда аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш ва турмуш даражасини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Умуман, мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб бу масалаларга доимий равишда устувор вазифалар сифатида қараб келинаётир. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон меҳнат бозорига ҳам жуда кучли таъсир кўрсатаётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда бу борада барқарорлик сақланаётгани, янги иш ўринлари яратилаётгани бунинг амалий натижасидир.

Янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш даражасини оширишга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида алоҳида эътибор берилгани ва бу йўналишдаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилганлиги юртимизда ишсизлик муаммосини ҳал этишда ва унинг даражаси ошиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

### 2.3. Аҳолини бандлигини таъминлашдаги муаммолар

Солиқ солиш тизими даромадлар ва иш ҳақи сиёсатига молиявий таъсир этиш воситаларидан биридир. Даромад солиғи жисмоний шахслардан ундириладиган тўғри солиқларнинг асосий туридир. Солиқ солиш принциплари орасида солиқ ставкасининг олинадиган даромад миқдорига боғлиқлигини алоҳида олиб қараш лозим. Ҳашамат буюмлари истеъмолига қилинадиган сарф-харажатлардан ундириладиган солиқ ва энг зарур буюмларга қилинадиган сарф-харажатлардан ушлаб қолинадиган солиқ ўртасида фарқлар борлиги мазкур принцип мақсадга мувофиқлигининг сабабидир.

А. Лаффер бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар бюджетга тушадиган солиқлар тушумлари миқдорининг даромад солиғи ставкаларига боғлиқлигини ўрганиб чиқди. А. Лаффер назариясининг асосини 50,0 %ли солиқ ставкаси энг мақбул ставка эканлиги ва у солиқнинг энг юқори миқдорини таъминлаши тўғрисидаги қоида ташкил этади. Солиқ ставкаси 50,0 %дан ошган тақдирда фирмалар ва ходимларнинг амалий фаоллиги кескин пасаяди ва натижада даромадлар яширин (хуфиёна, норасмий) иқтисодиётга ўтиб кетади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиш давлатнинг тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, улар солиқларни ундиришнинг аниқ механизмини белгилайди. Унга қуйидагилар киради:

- солиқ субъекти ёки солиқ тўловчи – қонун солиқ тўлаш вазифасини юклаган шахс;
- солиқ объекти – шундай даромад ёки мулкка, ундан солиқ ҳисоблаб чиқарилади (иш ҳақи, дивидендлар ва ҳоказо);
- солиқ манбаи – шундай даромадки, ундан солиқ тўланади;
- солиқ ставкаси – солиқ солиш бирлигига тўғри келадиган солиқ миқдори.

Солиқ ставкаларининг қуйидагилари фарқланади:

а) қаттиқ ставкалар, улар объект бирлигига унинг қийматидан қатъи назар (масалан, автомашинага) белгиланади;

б) мутаносиб ставкалар – даромаднинг миқдоридан қатъи назар солиқ тўлашнинг ягона фоизи;

в) прогрессив ставкалар – даромадлар ошган сайин ошадиган ставкалар;

г) регрессив ставкалар – бунда солиқнинг ўртача ставкаси даромад ошган сайин пасая боради.

Даромадларга солиқ солиш амалиётида ялпи даромад, чегиришлар ва солиқ солинадиган даромад фарқланади.

Ялпи даромад – турли манбалардан олинган даромадлар умумий миқдори. Одатда, қонунчиликда ялпи даромаддан ишлаб чиқариш, транспорт, хизмат сафари ва реклама сарф-харажатларини чегиришга рухсат этилади. Бундан ташқари, солиқ соҳасидаги турли имтиёзлар: даромадларнинг солиққа тортилмайдиган энг кам миқдори, хайр-эҳсонлар суммаси, пенсионер ва ногиронларга бериладиган имтиёзлар ва ҳоказолар чегирмаларга киради. Шундай қилиб, солиққа тортиладиган даромад ялпи даромад ва мазкур чегирмалар ўртасидаги фарқдир.

Даромадларнинг асосий қисми аҳолидан иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторига шахсий истеъмол сарф-харажатлари тарзида қайтади, ушбу сарф-харажатлар бир неча усулда таснифланиши мумкин. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги истеъмол сарф-харажатларини қуйидаги тарзда таснифлайди:

1) узоқ вақт фойдаланиладиган товарларга сарф-харажатлар;

2) қисқа вақт фойдаланиладиган товарларга сарф-харажатлар;

3) хизматларга сарф-харажатлар.

Узоқ вақт фойдаланиладиган товарларга хизмат муддати бир йил ва ундан кўпроқ бўлиши тахмин қилинадиган товарлар киради. Башарти, бу муддат бир йилдан кам бўлса, бу товар қисқа вақт фойдаланиладиган товар ҳисобланади. Автомобиллар, телевизорлар, кир ювиш машиналари, шахсий компьютерлар узоқ вақт фойдаланиладиган товарларга мисолдир. Аксарият озиқ-овқат ва кийим-кечаклар қисқа вақт фойдаланиладиган товарларга киритилади. Хизматлар истеъмолчиларга шифокорлар, репетиторлар, адвокатлар ва шу кабилар хизмат кўрсатишидир.

Узоқ вақт фойдаланиладиган товарларга сарф-харажатлар, одатда, иқтисодиётнинг барқарор юксалиши даврида ошади. Иқтисодий таназзул даврида эса, аксинча, истеъмолчилар узоқ вақт фойдаланиладиган товарларга сарф-харажат қилишдан тийиладилар.

Уй хўжаликлари даромаднинг солиқлар тўланганидан қолган қисмини истеъмолгагина эмас, балки жамғармаларга ҳам йўналтирадилар. Жамғармалар даромаднинг солиқ тўланганидан қолган, истеъмол қилинмайдиган қисми ҳисобланади. Фуқароларнинг жамғармалари банклардаги ҳисоб варақларга келиб тушади, суғурта полислари, облигациялар, акциялар ва бошқа молиявий активларга қўйилади. Баъзи мамлакатларда молиявий аҳвол беқарор бўлган шароитларда аҳоли ўз жамғармаларини сақлашнинг валюта сотиб олиш каби шаклларидан ҳам фойдаланади.

Аҳоли кутилмаган вазиятлар рўй берганда – бетоб бўлиб қолганда, бахтсиз ҳодиса рўй берганда, ишсиз қолганда, пенсияга чиққанда ўзини таъминлаш учун, болаларининг ўқишига ишлатиш ва ҳоказолар учун маблағ жамғаради. Шу билан

бирга, жамғармалар биржадаги ўйинлар, молиявий олди-сотдилар учун ҳам фойдаланилиши мумкин. Масалан, қиймати номинал қийматидан ошиши ҳисобига қўшимча даромад олиш мақсадида қимматли қоғозлар сотиб олиниши мумкин.

Аҳолининг жамғармалари ички ресурслар сафарбар этилиши ҳисобига инвестиция жараёни кенгайишида муҳим роль ўйнайди. Аҳоли даромадларининг миқдори, уларнинг табақалашиши ва тақсимланиши кўп жиҳатдан давлатнинг ижтимоий сиёсатига боғлиқ.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солиш ваколатли давлат идоралари томонидан даромадларни барқарорлаштириш ва жамият тараққиётида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқ тарзда ошириб бориш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда меъёрларни ўзида мужассамлаштиради. У ишчи кучини нормал такрор ишлаб чиқариш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилган.

Ҳозирги шароитда давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бутунлай аралашмаслиги мумкин эмас, чунки бозорнинг тақсимоти ўз табиати бўйича адолатсиздир. Бозор шароитида «ҳар бир кишига – иқтисодий фаолияти натижасидан қатъи назар муносиб ҳаётни таъминловчи даромад» тамойилига риоя қилинмайди. Шунинг учун бу жараёнга давлатнинг аралашуви зарурат ҳисобланади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг объектив имконияти иқтисодий ривожланишнинг маълум даражага етиши, ишлаб чиқариш ва капитал концентрациясида юзага келади. Бу имкониятни ҳақиқатга айлантириш зарурати муаммолар ўсиб боргани сайин кучаяди ва уларни давлат томонидан тартибга солиш орқали бартараф этиш лозим.

Ҳозирги шароитда даромадларни давлат томонидан тартибга солиш такрор ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмидир. У кўп вазифаларни ечади, масалан, иқтисодий ўсишни, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги прогрессив силжишларни рағбатлантириш, экспортни қўллаб-кувватлаш, иш билан бандлик, солиққа тортиш, нархларни тартибга солиш ва ҳоказо. Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг аниқ йўналиши, шакллари, кўлами айрим мамлакатлар ва муайян даврда ижтимоий-иқтисодий муаммолар характери ва жиддийлиги билан белгиланади.

Турли сабабларга кўра, Франция, Германия, Нидерландия, Скандинавия давлатлари, Япония ҳамда Осиё ва Лотин Америкасининг жадал ривожланаётган бир қатор давлатларида даромадларни давлат томонидан тартибга солиш механизми кенгроқ ривож топган. Иккинчи жаҳон уруши, социализм лагери оқибатларини бошдан кечирмаган АҚШ, Канада, Австралия каби давлатларда у заифроқ ривожланган, аммо бу давлатларда ҳам даромадларни давлат томонидан тартибга солиш муҳим ўрин тутади, айниқса, конъюнктуранинг бузилиши, инфляция ва ишсизликнинг ўсиши шароитида унга эҳтиёж ортади.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг механизмини англаш учун унинг субъектлари, объектлари, мақсади, инструментларини (воситалари) кўриб чиқиш лозим. Хўжалик манфаатларининг соҳиблари, ифодаловчилари, ижрочилари иқтисодий сиёсатнинг субъектлари ҳисобланади.

Хўжалик манфаатлари соҳиблари бир-биридан мулкий мавқеи, даромади, касби, тармоқ ва минтақавий манфаатлари каби белгилари билан фарқланувчи ижтимоий гуруҳлардир. Бу гуруҳларга корхоналарнинг (фирма) ёлланма ишчилари ва эгалари, фермерлар ва ер эгалари, деҳқонлар, майда ва йирик тадбиркорлар, ҳиссадорлар, давлат хизматчилари ва эркин касб эгалари киради.

Даромадларни шакллантиришнинг ўз-ўзидан ҳал бўлмайдиган муаммо ва қийинчиликлари мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган соҳалари, ҳолатлари, шароитлари, манбалари даромадларни давлат томонидан тартибга солиш объектларидир. Мазкур муаммоларни ҳал этиш ва олдини олиш орқали иқтисодиётни бир маромда ривожлантириш, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, жамиятдаги барқарорликни сақлаш мумкин.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий объектлари қуйидагилар: даромадлар, иш ҳақи минимуми; бандлик, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; солиқлар, нархлар; ижтимоий кафолатлар, ижтимоий муносабатлар (шу жумладан, иш берувчи ва ёлланиб ишловчилар ўртасидаги муносабатлар), ижтимоий таъминот; ҳуқуқий таъминот (хавфсизлик, ҳаёт, мулк ва жамғармаларни ҳимоялаш).Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг бош мақсади даромадларни давлат бюджети орқали қайта тақсимлашдан иборатдир. Шу билан бирга, кам таъминланганларнинг даромадларини ошириш, уларнинг ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш омилларининг турлича экани туфайли юзага келган диспропорцияни бартараф этиш, иш билан бандликни тартибга солиш ва ижтимоий тангликнинг олдини олиш каби муаммолар ҳам ҳал этилади.

Кўрилаётган доирада давлатнинг фаоллиги марказий ва маҳаллий бюджетдан қилинган ижтимоий харажатлар ҳажми билан ўлчанади. Миллий даромадни қайта тақсимлашда давлатнинг имкониятлари бюджет тушумлари билан чекланади. Давлат даромадлари ўсишининг маълум чегаралари мавжуд:

- тадбиркорлик фаолиятининг етарли даражадаги чегаралари;
- ёлланиб ишловчилар, аҳолининг ўрта қатламини солиққа тортишнинг ижтимоий чегаралари;
- ЯИМнинг ўсиш чегаралари (конъюнктура чегаралари).

Мазкур чегараларнинг мавжудлиги шуни тасдиқлайдики, ижтимоий тўловлар миқдори давлатнинг молиявий (иқтисодий) имкониятларига монанд бўлиши керак. Ижтимоий тўловлар ҳажмини солиқ тушумларидан ошириб юбориш бюджет камомади ва инфляцияга сабаб бўлувчи омиллардан саналади.

Давлат солиқлар даражасини ҳам ошириб юбормаслиги лозим, акс ҳолда бозор рағбатига зарар етказилиши ва жамғармаларнинг турғун дефицити юзага келиши мумкин. Ваҳоланки, жамғармалар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг молиявий асосини ташкил этади ва инвестицияларга йўл очади.

Давлат даромадларни қайта тақсимлашни ташкил қилар экан, мураккаб муаммони ҳал этади: ишсизлар, ногиронлар, кексаларни асраш учун маблағ ажратишга жамиятнинг қайси қатламларини жалб қилиш кераклигини аниқлаб олади. Бу мураккаб вазифалар давлат томонидан иқтисодий имкониятларни ижтимоий истеъмол билан мувофиқлаштириб ҳамда салбий оқибатларни микро ва макро даражада тугатиб бориб ҳал этилади.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солиш – турли даражалар: давлат, тармоқ, минтақа ва корхоналарнинг ўзаро алоқасини кўзда тутувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёндир (-чизма).




**2-чизма. Ўзбекистонда даромадларни тартибга солиш даражаси**

Бу барча даражалар ўзаро боғлиқ, ўзаро қарам, аммо ҳар бири ўз хусусиятига ва иерархияда ўз ўрнига эга. Давлат етакчи тармоқдир, у тартибга солишнинг йўналиши, тактикаси, услублари, механизми ва устувор жиҳатларини ишлаб чиқади. Иқтисодиётнинг ижтимоий ориентацияси хўжаликни шахсни камол топтириш вазифасига онгли равишда бўйсундиради. Даромадлар сиёсатида иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолат ўртасидаги мувозанат амалга оширилади. Бу сиёсат, бир томондан, ҳаддан ташқари самарадорликка интилишни адолатни чеклаш ҳисобига юмшатади, бошқа томондан – адолатга риоя қилган ҳолда самарадорликни оширади.

Ҳар бир жамиятда даромадлар сиёсати конституция ва унга тенглаштирилган қонуний ҳужжатларда белгиланган маълум тамойиллар асосида юритилади. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий адолат;
- ижтимоий ҳамкорлик ва аҳоли барча қатламларининг бирдамлиги;
- ўз моддий аҳволи учун шахсий масъулият;
- меҳнат ҳуқуқи ва уни муносиб рағбатлантириш;
- касаба уюшмалари ҳуқуқи;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва бошқалар.

Маълумки, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг энг юқори шакли иқтисодий дастурлашдир. Унинг вазифаси иқтисодий сиёсатнинг барча элементларидан глобал мақсадларда ҳар томонлама фойдаланишдир. Бундай дастурларнинг объектлари сифатида тармоқлар, ҳудудлар, ижтимоий соҳа, илмий тадқиқотларнинг турли йўналишлари ва шу кабилар танлаб олиниши мумкин. Мазкур дастурларнинг барчаси (бевосита ва билвосита) аҳоли даромадларига боғлиқ ва уларга таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тамойиллари амал қилиб турган бугунги кунда ривожланган давлатларнинг даромадларни тартибга солиш тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас.

## 2.4. Аҳоли бандлигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар

Иқтисодиётда бозор қонунлари ва талабларига мувофиқ равишда рўй берадиган ўзгаришлар аҳолининг иш билан бандлиги концепциясининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Мулкчилик муносабатлари бирламчидир. Улар иккиламчи ишлаб чиқариш муносабатлари сифатида намоён бўладиган иш билан бандлик муносабатларини белгилайди. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқилаётган иш билан бандликнинг янги концепцияси уйда, уй хўжалигида бажариладиган меҳнат фаолияти шаклларини мутлақо қонуний ва ижтимоий эътироф этилган шакллар сифатида легаллаштиради.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлатнинг узоқ муддатли стратегияси мавжудлиги бозор иқтисодиётининг эҳтиёжларига жавоб берадиган иш билан бандлик замонавий парадигмасининг қарор топиши юз бермоқда (5.2-чизма).

Бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолининг иш билан бандлигини ташкил қилиш муаммоси назарий ва амалий жиҳатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозорини янада ривожлантириш аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солишда фаол ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс – ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар, вилоят ва туман минтақалари бўйича тақсимланади.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У ходимнинг ўзи учун янада мосроқ иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга ишчи кучи билан таъминланади. Меҳнат бозори қандай кадрлар, мутахассислар, касбларга талаб борлигини, улардан қандайлари ортиқчалигини кўрсатади. Бу кўпгина мамлакатлар учун долзарб муаммодир. Унинг ҳал этилиши жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қодир самарали иқтисодиётнинг яратилишини англатади.

Иш билан бандликни ишчи кучига талабни кенгайтиришга уларни фойдали фаолиятга жалб қилиш кўламлари, шарт-шароит ва шаклларини таъминлаш, иш билан банд бўлган ходимларни шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш, бўшатиш, қайта тайёрлаш ва қайта тақсимлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ва ҳаракатлар йиғиндиси, деб таърифлаш мумкин.

Бу концепция доирасида тўла оқил (рационал) ва самарали бандлик фарқланади. Иш билан «тўлиқ» бандлик социализмдаги меҳнатнинг умумийлиги ва мажбурийлигининг аниқ ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан амалга оширилишидир. У меҳнатга лаёқатли аҳолига ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишнинг ҳақиқий имкониятлари берилиши билан боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилган камчиликларни ҳисобга олиб, иш билан тўлиқ бандлик даражаси бозор иқтисодиётига мослашиб боради.




**3-чизма. Аҳолининг иш билан бандлиги даражасини яхшилаш йўналишлари**

Меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий хўжаликка жалб қилишнинг энг юқори даражаси сифатида талқин қилиш ҳам ўзгариб боряпти. Иш билан тўлиқ бандликка аҳолини жалб қилишнинг ҳар қандай даражасида эришиш мумкин, бунда у аҳолининг иш ўринларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга мувофиқ келиши, таклиф этилаётган иш ўринлари иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ оқилона бўлиши лозим. Бу ўринда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ иш ўрни деганда шундай иш ўрни тушуниладики, у инсоннинг юксак меҳнат унумдорлигига эришиши, ўзи ва оиласининг яхши яшаши учун етарли бўладиган даромадга эга бўлиши тушунилади. Шу билан бирга бу иш ўрни унинг саломатлигига зарар етказмаслиги ва инсоний қадр-қимматини ерга урмаслиги керак.

Шундай қилиб, иш билан тўлиқ бандлик меҳнатга қобилиятли барча фуқароларни касбий меҳнат соҳасига жалб қилишни англатмайди. Инсон ўз истаги бўйича ижтимоий фойдали меҳнатда бандлик соҳаларидан бирини (касбий меҳнатни, уй хўжалигини хусусий корхона ва хусусий тадбиркорлик ва шу кабиларни) танлашга ҳақлидир. Бироқ тартибга солувчи асосий фаолият тури даромад келтирувчи, шахс фаровонлигини оширувчи ва ривожлантиришини таъминловчи касбий меҳнат билан банд бўлишдир. Касбий меҳнат билан банд бўлиш даражаси ходимлар умумий сонининг улар ишлаётган корхона қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлишидан қатъи назар меҳнат ресурлари сонига нисбати билан белгиланади. Бунинг маъноси шуки, аҳолининг иш билан бандликдаги мазкур пропорцияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манфаатлари, уни жадаллаштириш натижалари, фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириш манфаатларига тўлиқ мос келиши зарур. Шу билан бирга соғлом авлодни етиштиришга, юқори малакали, яхши таълим олган серҳаракат ходимларни тарбиялашга қулай шароит яратиб берилса, аҳолининг бундай бандлигининг пропорцияси энг мақбул деб ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳот жараёнида меҳнат самарадорлигининг ортишига қараб, аҳолининг меҳнат билан бандлиги даражаси умуман мамлакат бўйича пасайиш тенденциясига эга. Яқин келгусида республикамизда иш билан бандликнинг ривожланиш хусусиятлари ана шундай кечади. Бу ерда юқори самарали иқтисодиёт нисбатан камроқ миқдордаги ходимларга эҳтиёж сезади, шу билан бирга аҳолининг ишчи ўринларига бўлган эҳтиёжи ҳам бироз камаяди, чунки меҳнат билан ижтимоий фойдали бандликнинг бошқа соҳаларига қизиқиш ортади.

Кишиларнинг ижтимоий зарур иш билан бандликка бўлган эҳтиёжи ва уни амалга ошириш имкониятини режали тартибга солиб бориш лозим. Бундан мақсад инсоннинг фаолият кўрсатиш, шарт-шароитларни яхшилаш ва иқтисодиётнинг самарали ишлашини таъминлашдир.

Иш билан бандлик мақоми ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этувчи меҳнат ресурсларининг бир қисми учун белгиланади. Булар даромад олиш мақсади билан товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун иш кучини таклиф қиладиган кишилар гуруҳи, шунингдек, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этса ҳам бевосита пул даромади келтирмайдиган аҳоли гуруҳи ёхуд неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ даромад келтирадиган кишилар гуруҳларидан ташкил топади.

Биринчи гуруҳга иқтисодиётнинг давлат секторида иш билан банд бўлган корпоратив, акциядорлар жамиятлари ва хусусий секторда ишлайдиган фуқаролар киради. Иккинчи гуруҳга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим оладиган ўқувчилар, мамлакат қуролли кучларининг хизматчилари киради.

Шундай қилиб, иш билан банд аҳолига ёлланиб ишлайдиган фуқаролар, шу жумладан, тўлиқ ёки нотўлиқ иш куни (ҳафта) мобайнида ҳақ олиб иш бажарадиган, тегишли шартнома, битим билан тасдиқланган ҳақ тўланувчи ишга эга шахслар, ҳамда касаллиги, таътилга чиққанлиги муносабати билан ишда бўлмаган фуқаролар киради. Ўзини мустақил равишда иш билан таъминлайдиган шахслар, шу жумладан, хусусий тадбиркорлар ва фермерлар, ҳарбий қисмлардаги қўшин турларида хизмат қилаётган шахслар, ўқувчилар ҳам иш билан банд кишилар жумласига киради.

Иш излаётган, ишини ўзгартираётган, вақтинча ишламаётган аҳоли ва ишдан ажралган ҳолда ўқимаётган, ишнинг мавсумий эканлиги туфайли вақтинча ишламаётган аҳоли иқтисодий фаол иш билан банд бўлмаган аҳоли гуруҳига мансубдир. Ишсиз мақомига эга бўлган шахслар ҳам иш билан банд бўлмаган иқтисодий фаол аҳоли жумласига киради.

Иш билан бандлик муносабатлари иқтисодий, демографик ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ. Иш билан бандликнинг иқтисодий мазмуни ходимнинг ўз меҳнати билан ўзига муносиб ҳаёт кечиришни таъминлаш билан бир қаторда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳам ифодалайди.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муносиб даромадга эга бўлиб, ўз соғлиғини сақлаш учун етарли имконга эга бўлиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг усулига мос келадиган маълумот ва касб даражасини эгаллашни таъминлайдиган бандликни аҳолининг самарадор бандлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Иш билан бандликнинг самарадорлигини давлат тараққиётининг мафкураси акс эттирадиган кўрсаткичлар билан тавсифлаб бериш мумкин. Булар меҳнат

ресурсларининг ижтимоий фойдали фаолиятида иштирок этиш хусусиятларига асосланган тақсимлаш пропорцияларидан иборатдир. Улар меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси, аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжи қондирилиши ва иш билан тўлиқ бандликка эришилиши каби кўрсаткичлар билан ифодаланилади. Чунки ижтимоий меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, жамиятда ходимларнинг даромадлари ва моддий шарт-шароитлар шунчалик кўпроқ тўпланади. Айни вақтда меҳнат соҳасини техник-ташкилий томонидан такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш, аҳоли гуруҳларининг меҳнат ва турмуш шароитининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш имконини беради.

Иш билан бандлик самарадорлигининг хусусиятларидан яна бири меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасидир. Иқтисодий жиҳатдан бу кўрсаткич аҳолининг иш ва иш ўринларига бўлган эҳтиёжини акс эттиради.

Иш билан бандлик самарадорлигининг учинчи хусусияти ишловчиларнинг мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари бўйича тақсимлаш тузилмасидан иборатдир. Ҳозирги вақтда аҳолининг иш билан бандлиги бўйича иқтисодиётдаги тармоқ тузилиши мавжуд жамият меҳнат потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги даражаси пастлигини акс эттиради ва у тубдан ўзгартиришга муҳтождир.

Ниҳоят, иш билан бандлик самарадорлигининг тўртинчи хусусияти ишловчиларнинг касб-малака гуруҳларига бўлиниши ҳисобланади. У иш билан банд аҳолининг касб-малака гуруҳлари бўйича тақсимланиши ҳамда малакали ходимларга бўлган эҳтиёж билан мутаносиблик даражасини акс эттиради.

Давлатнинг тўлов талабини кўпайтиришга йўналтирилган хилма-хил усуллар воситасида иқтисодиётга аралашуви орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва бунинг натижасида иш билан бандликни кенгайтиришга эришиш мумкин. Бунда ҳал қилувчи роль, Кейнс назариясига кўра, хусусий сармоя қўйилмаларини давлат томонидан рағбатлантириш ва тартибга солиш ҳисобланади. Сармоя қўйилмаларини кенгайтириш ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида аҳолининг иш билан бандлигини оширишни англатади. Аммо, фақат 40 ва 50-йилларга келиб, кейнсчилик «иш билан тўла бандлик» шиори асосида буржуа иқтисодий назарияси ва амалиётининг ташкилотчиларига айланди. 40-йиллар ўрталарида ишсизликни тартибга солиш бўйича пайдо бўлган расмий ҳукумат ҳужжатлари ва қонунчилик, одатда иш билан тўлиқ бандликни миқдор жиҳатдан аниқламаган. У, масалан, инглизларнинг оқ китоби «Иш билан бандлик сиёсати» (1944 йил) ва Американинг «Иш билан бандлик тўғрисида ҳужжат»ларида (1946 йил) ҳам йўқ. Урушдан кейинги «Иш билан тўлиқ бандлик» сиёсати аслини олганда ишсизликни тугатишни мақсад қилиб қўймаган. Ишсизликнинг 2-4% доирасида, албатта, мавжуд бўлишини буржуа иқтисодчилари минимал йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдор деб қарашган.

Кўрсаткичнинг пастроқ бўлиши «меҳнат бозорининг нормал ишлашига» мувофиқ келмайдиган, ишчи кучи талаб ва таклифининг оптимал нисбатини бузадиган ҳолат сифатида баҳоланган. 70-йиллар охиригача Ғарбий Европадаги 2-3% ишсизлик ва АҚШдаги 4,0% ишсизлик давлат сиёсати сифатида қабул қилинган. Ҳатто социал-демократик ҳукумат «иш билан тўлиқ бандлик» сиёсатини

ўтказган Швецияда ишсизликнинг расмий тан олинган энг кам даражаси 1,5% бўлган.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) услубияти бўйича иш билан банд эмаслик даражаси ишсизлар сонининг меҳнат ресурслари сонига бўлган нисбат билан тенглашади. У ишчи кучига бўлган талаб ва таклифидаги тузилмавий номутаносибликни кўрсатади ва бу билан бўш иш жойлари учун иш излаётган шахсларнинг бир вақтда мавжудлигини англатади.

## Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Аҳолини иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни нимадан иборат?
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни бўйича кимлар иш билан таъминланган ҳисобланади?
3. Аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий қандай турлари мавжуд?
4. Давлат аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича қандай тадбирларни оширади?
5. Иш билан таъминланмаган аҳолига кимлар киради?
6. Ишсизлик нима ва уни даражаси қандай аниқланади?
7. Ишсизликни қандай турларини биласиз?
8. Артур Оукен қонунининг мазмуни нима?
9. Давлат ишсизларни иш билан таъминлаш борасида қандай тадбирларни оширади?

## Фойдаланилган адабиётлар

1.Abduraxmonov Q.X., Shoyusupova N.T. Aholini ish bilan bandligi. O’quv qo’llanma. – T.: 2011. – 291 b.

2. Abduraxmonov Q.X., Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sostiologiyasi. O’quv qo’llanma. – T.: 2013. – 534 b.

3.Xolmo’minov Sh.R., Xolmurodov S.E. Mehnat bozori iqtisodiyoti. – T.: 2013. –228 b.

4.Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.–144 б.

## 3-мавзу. Жаҳон меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари, унда меҳнат миграциясининг ўрни

**Режа:**

3.1. Демографик вазиятнинг ҳолати ва унинг меҳнат бозорига таъсири.
3.2. Меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари.
3.3. Меҳнат бозорида меҳнат миграциясининг ўрни.
3.4. Меҳнат бозорида малака талабларининг ўрни.

**Калит сўзлар:** Демография, меҳнат, меҳнат бозори, омил, меҳнат миграцияси, малака талаблари.

### 3.1. Демографик вазиятнинг ҳолати ва унинг меҳнат бозорига таъсири

Кейинги ярим аср мобайнида демографияни умумий ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий омиллари нуқтаи назаридан ўрганишга эътибор ортмоқда.

Демографияда *жамланма бирлик – инсон*дир. Бу бирликнинг белгилари кўп – жинс, ёш, оилавий аҳвол, таълим даражаси, машғулот тури, миллат ва ҳоказолар. Ушбу белгилар инсон умри давомида ўзгариб боради. Шунинг учун аҳоли миқдорида одамларнинг ёш, жинс таркиби, оилавий аҳвол каби хусусиятлар мужассамлашган. Ҳар бир одам ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли таркибидаги ўзгаришларга ҳам олиб келади. Ушбу ўзгаришлар жамланма ҳолида аҳолининг ҳаракатини ташкил этади.

Аҳоли сони ўсишининг умумий хусусиятини табиий ўсиш белгилайди. Мазкур кўрсаткич туғилганлар билан ўлганлар сони ўртасидаги фарқнинг мутлақ микдори сифатида ифодаланади. Аҳоли табиий ўсишининг юқори суръатлари, агар бу жараён ўлим даражаси паст шароитларда кечаётган бўлса, қулай демографик вазият сифатида баҳоланади. Бироқ қатор мамлакатларда туғилиш тартибга солинмаслиги оқибатида демографик вазият кескинлашади. Бунда демографик инқирознинг турли белгилари – болалар ва оналар ўлими даражасининг юқорилиги, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг пастлиги, умр кўриш ўртача давомийлигининг камайиши ва ҳоказолар пайдо бўлади.

Ўзбекистондаги демографик тенденциялар. Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида аҳолиси сони анча камайган Беларус, Россия, Украина ва Қозоғистон каби МДХ мамлакатларидан фарқли уларoқ Ўзбекистонда аҳоли сони ошиб бормоқда. Бу ерда туғилиш, табиий кўпайишнинг нисбатан юқори коэффициентлари ва ўлимнинг паст коэффициенти сақланиб қолмоқда, анъанавий кўп фарзандли оиладан ўртача фарзандли *оилага ўзига хос пул билан демографик ўтиш руй бермоқда.*

Тўғри, ҳозирги вақтда амалда барча ривожланган мамлакатларда намоён бўлаётган аҳоли кексайиши истиқболда бизда ҳар қалай бошланиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўзбекистонда бу ҳозирги вақтдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ўзининг ёш гуруҳидан каттароқ ёш гуруҳига ўтиб, пенсионерлар сафини тўлдириши натижасида рўй беради. Дарвоқе, 50-

йилларнинг охирида мамлакатимизда бундай жараён кузатилган эди. 1959 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичикроқ шахслар улуши 38,9 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар улуши 49,1 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдаги каттароқ шахслар улуши 12 фоизни ташкил этган эди. Ўшанда иккинчи жаҳон уруши йилларида туғилиш даражаси пасайганлиги бундай нисбатнинг асосий сабаби бўлган эди.

Кўпайиб бориш юқори кўрсаткичларига эга бўлган қишлоқ аҳолисининг сони доимий ошиб бориши ва республика аҳолиси умумий миқдорида унинг улуши юқорилиги Ўзбекистон демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятидир. Айни қишлоқ аҳолиси республика аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этиб, республикадаги табиий кўпайиш, туғилиш ва чақалоқлар ўлими ҳажмларини биринчи навбатда белгилайди.

Аҳолининг кўпайиб кетиши муаммоси ривожланаётган мамлакатлар учун долзарб бўлиб турганлиги юқорида айтиб ўтилди. Ушбу муаммо Ўзбекистонга маълум даражада таҳдид солиши мумкин. Бу таҳдидни ташқи ва ички таҳдидга бўлиш мумкин. Ташқи таҳдид сирасига аҳолиси зич бўлган ва, одатда, қашшоқлашган қўшни мамлакатларда турмуш даражаси ёмонлашиши киради. Булар ижтимоий ва харбий можароларга, қочоқлар ва мигрантларнинг сони кўпайишига олиб келиши мумкин.

Ички муаммолар Ўзбекистоннинг ўзидаги аҳоли нисбатан тез суръатда кўпайиб бораётганлиги билан боғлиқ. Аввало қишлоқ жойларга хос бўлган туғилиш даражаси юқорилиги республика ҳукуматининг алоҳида эътиборини талаб қилади. Кўп болали оилаларга бериладиган нафақаларга, мактабгача ва бошланғич таълимнинг қиммат инфратузилмасини кенгайтиришга, соғлиқни сақлаш хизматларини кенгайтинришга сарф-харажатларни кўпайтириш каби чора-тадбирлар ушбу туғилиш даражаси билан боғлиқ. Бунинг устига, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устиворлигини ва ўтиш даврида жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймасликни таъминлаш билан бирга ҳукумат кўп болали оилани фақат нафақалар ҳисобидан боқиш мумкинлиги билан кўп йиллардан буён боғлиқ бўлиб келаётган боқимандалик кайфиятларидан жамиятни халос эта бориши ҳам керак бўлди. Бу эса адрессиз тусда бўлган ва деярли бутун аҳолини қамраган, шу туфайли самарадорлиги пасайган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги шусиз ҳам қийин бўлган вазиятни анча мураккаблаштирар, мазкур тизим адрессиз тусда бўлиб, деярли бутун аҳолини қамрар, бу эса ушбу ҳимоянинг самарасини пасайтирар эди.

Ўзбекистон бир онадан фарзандлар туғилишидаги вақт оралиғини кўпайтириш, оиланинг фарзанд кўришнинг миқдорини эмас, балки мамлакатнинг муносиб келажагини таъминлай оладиган соғлом, илмли фуқароларни тарбиялашни кўпроқ кўзлаш ҳисобига соғлом миллат генофондини шакллантириш борасида кейинги 8-10 йил мобайнида олиб борилган сиёсатни амалга ошириши лозим. Шу муносабат билан таълим мавқеини ошириш, жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маданий хаётидаги хотин-қизлар роли ва мақомини, оммавий жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, жамият ва оиланинг умумий маданиятини юксалтириш янада муҳим аҳамият касб этади.

Демографик шарт-шароитлар ишчи кучи таклифининг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади. Масалан, юқори даражадаги туғилиш меҳнат бозорига аҳолининг катта оқими келишини асослайди. Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёш бўйича тузилишида 16-29 ёшдаги йигит-қизлар улуши 2011 йилда 26,4 %ни ташкил қилди. Ўрта мактабларни битирувчиларнинг кўпчилиги, дастлабки касб тайёргарлигига эга бўлмасликлари ҳолда қишлоқ хўжалигига жалб қилинадилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келди ва у аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, ёшлар салмоғининг камайиши, шу билан бир вақтда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлади: "...қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди"[1].

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда аҳоли сони 28453,7 минг кишини ташкил қилган. Аҳолининг умумий сонига кўра Ўзбекистон жаҳоннинг 230 мамлакати орасида 43, Осиёда эса 18-ўринда туради. Марказий Осиё республикалари жами аҳолисининг 45,0 % Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилади.

Мустақиллик йилларида (1991-2010 йиллар) Ўзбекистон аҳолисининг сони 7,4 млн. кишига, яъни йилига ўртача 389,1 минг кишидан кўпайди. Ўтган қарийб 20 йил мобайнида республикада аҳоли сони – 1,35, шаҳар аҳолиси – 1,73, қишлоқ аҳолиси эса 1,1 мартага кўпайди. Шу билан бирга республика ва унинг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлари миқёсида аҳоли сонининг кўпайиш суръати турлича бўлди (12.1-жадвал).

12.1-жадвал маълумотларининг таҳлили 2006-2010 йиллар давомида жами аҳоли сонининг 2142,2 минг кишига ёки 8,1 % га кўпайганлигини кўрсатади. Бироқ республиканинг шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиш суръатларини бир меъёрда кечмаган. Жумладан, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси сони 53,9 % га кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 17,8 % га камайган. Шу билан бирга, бу даврда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг улуши 36,0 % дан 51,4 % га ортган, қишлоқ аҳолисиники эса 64,0 % дан 48,6 % гача камайган. Яъни мамлакатда аҳолининг урбанизация жараёни кучаймоқда. Қишлоқ аҳолиси сонининг камайганлиги эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли қарорига кўра республикадаги 966 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилганлиги билан изоҳланади.

**-жадвал**

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.

**Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши ҳисобида)[2]**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | 2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | +,- | % |
| Жами аҳоли сони | 26312,5 | 27072,2 | 27533,3 | 28001,4 | 28453,7 | 2141,2 | 108,1 |
| Шундан: | | | | | | | |
| Шаҳар аҳолиси | 9495,1 | 9584,6 | 9758,3 | 14327,8 | 14618,4 | 5123,3 | 153,9 |
| Қишлоқ аҳолиси | 16817,4 | 17487,6 | 17775,0 | 13673,6 | 13835,3 | -2982,1 | 82,2 |

Республикада аҳоли сонидаги ўзгаришлар унинг бевосита ёш таркиби билан боғлиқ. Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги ёш таркиби XX асрнинг 90-йилларида бошланган туғилиш даражасининг қисқаришига қарамай ёш ҳисобланади. Яъни, аҳоли таркибида 30 ёшгача бўлган ёшлар улуши 62,1% ни, 16 ёшгача бўлган болалар улуши – 33,3% ни, 16-29 ёшдагилар улуши – 28,8% ни ташкил этади [3]. Шу билан бирга, статистик маълумотлар таҳлили сўнгги йилларда 0-15 ёшдаги аҳоли мутлақ сонининг камаётганлигини кўрсатмоқда (-расм.)




**-расм. Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг ўзгариши**

2006-2010 йиллар давомида республикада аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони 235,4 минг кишига ёки 2,6 % га камайган. Бундай тенденцияни бу гуруҳнинг аҳоли таркибидаги улушида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, 2006 йилда меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли улуши 35,0 % ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 31,5 % га тенг бўлган. Мазкур ҳолат мустақиллик йиллари республикада туғилиш кўрсаткичининг камайганлиги билан изоҳланади. Жумладан, 1991 йили

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // http: // www.stat.uz.
[3] Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.154-155.

республикада туғилишнинг умумий коэффициенти 34,5 ‰ дан[4] 2010 йили 23,2 % гача[5] камайган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида йиллар давомида шаклланган қадриятлар, урф-одатларда ўзига хос ўзгаришлар рўй бераётганлиги, халқнинг муносиб турмуш шароитини яратишга интилиш, омма ўртасида ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситаларнинг кенг тарқалиши, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигининг ортиши, ҳар бир оила ўз иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фарзандлар туғилишини назорат этиши каби омиллар туғилиш кўрсаткичининг пасайишига олиб келди.

2006-2010 йилларда меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони – 13,6 % га, меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони эса 16,0 % га ортган. Таҳлил натижалари меҳнатга қобилиятли ёшдан катта бўлган аҳоли сонининг меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан юқори суръатда ўсганлигини кўрсатади. Бу ҳолат иккинчи жаҳон урушидан кейинги "демографик тўлдириш" даврида туғилган аҳолининг бугунги кунда кексалар гуруҳи қаторига қўшилиши билан изоҳланади.

Аҳолининг кексайиши жараёни Ўзбекистон учун ҳам хос бўлмоқда. Республикада кечаётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва қариялар салмоғининг ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, аҳоли кексайишининг ҳудудий ва гендер жиҳатлари эътиборга олинган кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқишни талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиш истиқболини белгилашга боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг 2025 йилгача бўлган даврдаги узоқ муддатли демографик прогнози "ёшни силжитиш" усулидан фойдаланиб, амалга оширилди.

Истиқболда демографик жараёнлар ва бу жараёнларнинг бориши билан боғлиқ юзага келадиган тенденциялар, биринчи навбатда, репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичларига боғлиқ (-жадвал).

**-жадвал**

**Ўзбекистонда репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)**

| Йиллар | Репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича сони | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 15-19 | 20-24 | 25-29 | 30-34 | 35-39 | 40-44 | 45-49 | 15-49 |
| 2011 | 157,3 | 156,0 | 137,2 | 110,9 | 98,0 | 86,2 | 82,8 | 828,4 |
| 2012 | 153,4 | 157,6 | 143,5 | 114,6 | 99,6 | 88,8 | 82,6 | 840,1 |
| 2013 | 148,5 | 158,3 | 148,7 | 119,1 | 101,4 | 91,0 | 82,7 | 849,7 |
| 2014 | 143,3 | 158,7 | 151,9 | 123,9 | 104,2 | 93,2 | 82,9 | 858,1 |
| 2015 | 137,6 | 158,7 | 153,6 | 129,7 | 107,2 | 95,3 | 83,4 | 865,5 |
| 2016 | 131,5 | 156,8 | 155,3 | 136,4 | 110,1 | 97,1 | 85,2 | 872,4 |
| 2017 | 127,0 | 153,0 | 156,9 | 142,6 | 113,8 | 98,7 | 87,7 | 879,7 |
| 2018 | 124,3 | 148,1 | 157,6 | 147,8 | 118,2 | 100,5 | 90,0 | 886,5 |
| 2019 | 123,1 | 142,9 | 158,0 | 151,0 | 123,0 | 103,3 | 92,1 | 893,4 |
| 2020 | 129,2 | 137,2 | 158,0 | 152,7 | 128,8 | 106,3 | 94,2 | 906,4 |
| 2021 | 137,0 | 131,1 | 156,1 | 154,4 | 135,4 | 109,1 | 96,0 | 919,1 |
| 2022 | 145,6 | 126,7 | 152,3 | 156,1 | 141,6 | 112,8 | 97,6 | 932,7 |
| 2023 | 154,8 | 123,9 | 147,4 | 156,7 | 146,8 | 117,2 | 99,3 | 946,1 |
| 2024 | 164,3 | 122,8 | 142,3 | 157,0 | 150,0 | 121,9 | 102,1 | 960,4 |

[4] Демографический ежегодник Узбекистана 2003. – Ташкент, 2004, – С.127

[5] Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2010. – Ташкент, 2011. – С.46

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2025 | 167,6 | 128,8 | 136,6 | 157,1 | 151,6 | 127,7 | 105,1 | 974,5 |
| 2025 йилда 2011 йилга нисбатан, % | 106,5 | 82,5 | 99,5 | 141,6 | 154,7 | 148,1 | 126,9 | 117,6 |

-жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йилдан бошлаб республикада 15-19 ёш гуруҳидаги аёлларнинг сони кескин камая бошлайди. Сўнгра бу тенденция 2016 йилдан аҳолининг 20-24 ёш гуруҳига, 2021 йилдан эса 25-29 ёш гуруҳига ўтади. Бу тенденция республикада 1996 йилдан бошланган туғилиш даражаси кескин камайган даврда туғилган аҳолининг 15-19 ёш гуруҳига кириши билан изоҳланади. Туғилиш даражаси юқори бўлган 1980-1995 йилларда туғилган аҳоли когортасининг 30-34, 35-39, 40-44, 45-49 ёш гуруҳларига ўтиши ҳисобига бу ёш гуруҳларидаги аёлларнинг сони мунтазам ортиб боради. Хусусан, 2025 йилда 2011 йилга нисбатан 30-34 ёш гуруҳидаги аёллар сонининг 41,6 %га, 35-39 ёшдагиларнинг – 54,7, 40-44 ёшдагиларнинг – 48,1, 45-49 ёшдагиларнинг эса 26,7 %га ўсиши кутилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 1987-1991 йилларда туғилиш даражаси юқори бўлган даврда туғилган аҳолининг 2002 йилда 15-19 ёш гуруҳига ўтиши натижасида республикада туғилиш даражасининг бирмунча ортганлиги ҳисобига шу йилларда туғилган аҳолининг 2020 йилда 15-19 ёш гуруҳига, 2025 йилда эса 20-24 ёш гуруҳига ўтиши бу ёш гуруҳидаги аёллар сонининг ортишига олиб келади.

Аҳолининг кексайиши туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикасида рўй берадиган такрорланмас ўзгаришлар оқибатидир (-жадвал).

**-жадвал**

**Ўзбекистонда туғилиш ва ўлим коэффициентларининг истиқбол кўрсаткичлари (‰ ҳисобида)**

| Йиллар | Демографик кўрсаткичлар ( 1000 киши ҳисобида) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами аҳоли | | Шаҳар аҳолиси | | Қишлоқ аҳолиси | |
| | туғилиш | ўлим | туғилиш | ўлим | туғилиш | ўлим |
| 2011 | 21,0 | 5,5 | 17,6 | 6,7 | 23,2 | 4,8 |
| 2015 | 21,9 | 5,7 | 18,8 | 7,0 | 24,8 | 4,9 |
| 2020 | 20,5 | 6,4 | 17,9 | 7,4 | 23,2 | 5,2 |
| 2025 | 19,2 | 7,2 | 17,3 | 8,5 | 21,9 | 6,0 |
| 2025 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) | -1,8 | 1,7 | -0,3 | 1,8 | -1,3 | 1,2 |

Прогноз қилинаётган даврда жами аҳолида, шу жумладан шаҳар ва қишлоқ аҳолисида ҳам туғилишнинг умумий коэффициентининг 2011-2025 йиллар давомида нисбатан камайиши ва бу тенденция барқарор бўлмаслиги кутилади. Хусусан, 2011-2015 йиллар давомида жами аҳолида туғилишнинг умумий коэффициенти 0,9 пунктга кўпайиши ва 2015-2025 йилларда 2,7 пунктга камайиши кутилади. Республика ва унинг ҳудудларида 2015 йилгача бўлган даврда туғилиш кўрсаткичининг ортиши туғиш ёшидаги аёллар мутлақ сонининг нисбатан барқарор ўсиши ҳамда узоқ давр мобайнида туғилиш кўрсаткичининг нисбатан юқори бўлганлиги ҳисобига таъминланади. 2015 йилдан кейинги даврда туғилиш коэффициентининг бирмунча камайиши эса 1991-2000 йиллардаги туғилишнинг паст даврида туғилган аҳолининг асосий репродуктив ёшга (20-24, 25-29 ёш) кириши билан боғлиқдир.

Ҳисоб-китобларга қараганда, прогноз қилинаётган давр охиригача Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффициентининг мунтазам ортиб бориши кутилади. Агар 2011-2025 йилларда республикада ўлимнинг умумий коэффициенти 1,7 пунктга кўпайса, шаҳар аҳолисида бу кўрсаткич – 1,8, қишлоқ аҳолисида эса 1,2 пунктга ортади. Бундай ҳолат мамлакат аҳолиси ёш таркибида нисбатнинг кекса ёш гуруҳига томон силжиши билан изоҳланади. Маълумки, қарияларда ўлим кўрсаткичи юқори ва бу ўз навбатида аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичининг кўпайишига олиб келади.

Асосий демографик жараёнларга хос бўлган юқорида кўрилган тенденциялар аҳоли ёш таркибига таъсир этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республика аҳолиси ёш таркибининг 2025 йилгача бўлган истиқболи аниқланди (-жадвал).

**-жадвал**

**Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг истиқбол кўрсаткичлари**

| Кўрсаткичлар | Бирлик | Йиллар | | | 2025 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2015 | 2020 | 2025 | +,- | % |
| Жами аҳоли сони | минг киши | 30189,6 | 32346,5 | 34390,7 | 401,1 | 113,9 |
| | фоиз | 100,0 | 100,0 | 100,0 | - | - |
| Меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони (0-15 ёш) | минг киши | 9841,8 | 9995,0 | 9835,7 | -6,1 | 99,9 |
| | фоиз | 32,6 | 30,9 | 28,6 | -4,0 | - |
| Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони (16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркаклар) | минг киши | 17842,0 | 19440,2 | 21012,7 | 3170,7 | 117,7 |
| | фоиз | 59,1 | 60,1 | 61,1 | 2,0 | - |
| Меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони (55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар) | минг киши | 2505,8 | 2911,3 | 3542,3 | 1036,5 | 141,3 |
| | фоиз | 8,3 | 9,0 | 10,3 | 2,0 | - |

Прогноз қилинаётган даврда республикада жами аҳоли сони 13,9 фоизга кўпаяди ва 2025 йилга бориб 34390,7 минг кишини ташкил қилиши кутилади. Бу давр мобайнида аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сонининг 0,1 фоизга камайиши, аксинча меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонининг 17,7, меҳнатга қобилиятли ёшдан каата бўлган аҳоли сонининг 41,3 фоизга кўпайиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар таҳлили асосида шундай хулоса қилиш мумкин, болалар сони мунтазам камайиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва ундан катта бўлган аҳоли сони ортиб боради. Бу ўз навбатида республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг “қуйидан” қариш жараёнининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, 1991-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг қариш индекси 6,1 пунктга кўпайган. Албатта, кўрилаётган даврнинг турли оралиқларида ҳудудлар миқёсида аҳолининг қариш индексининг кўпайиш суръати турлича бўлган. Жумладан, 1991-1995 йилларда

Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида аҳолининг қариш индекси – 0,8, Тошкентда – 0,1, Навоий ва Хоразм вилоятларида – 0,6, Тошкент шаҳрида – 2,2 пунктга ўсган бўлса, бу кўрсаткич Андижонда – 0,3, Самарқандда – 0,8, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида – 0,2 пунктга камайган. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида аҳолининг кексайиш жараёни 1991 йилдан бошланган ва бу бу тенденция 2000-2010 йилларда республиканинг барча ҳудудларига улар аҳолисининг ёш таркибида болалар мутлақ сонининг қисқариши ҳисобига қариш индекси кўрсаткичи ортиши билан ёйилди.

Ҳисоблаб чиқилган аҳолининг қариш индексига асосланган ҳолда ҳудудлар аҳолисининг кексайиш даражасини жаҳонда қабул қилинган демографик мезонга кўра уч гуруҳга ажратилди:

• биринчи гуруҳга – аҳолиси нисбатан суст кексаётган ҳудудлар (20,0 % дан кам): Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари;

• иккинчи гуруҳга – аҳолиси ўртача даражада кексаётган вилоятлар (20,0-30,0%): Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари;

• учинчи гуруҳга – аҳолисининг кексайиши юқори даражада бўлган ҳудудлар (30,0 % дан баланд): Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти киритилди.

Юқорида қилинган таҳлилларга асосланган ҳолда шуни айтиш керакки, аҳолиси нисбатан суст кексаётган вилоятларда ҳам аҳолининг қариш индекси кўтарилиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида яқин келажакда республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам аҳолининг кексайиш даражаси ривожланишини кўрсатади.

Ўз навбатида, аҳолининг кексайиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади ҳамда бу жараён қуйидаги қатор ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Биринчидан, кексалар улушининг ортиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Одамнинг ёши қанча катта бўлса, маҳсулдорлиги шунчалик паст бўлади.

Иккинчидан, аҳолининг кексайиши иқтисодиётда ёшлар улуши камайишини англатади. Бу эса иш билан банд аҳолини касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариши жараёни ва бинобарин иқтисодиётнинг самарадорлиги ошишини секинлаштиради.

Учинчидан, пенсия жамғармаси зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади. Зеро, пенсионерлар улушининг кўпайиши билан бир йўла пенсия жамғармаларига маблағ тўлаб борадиган меҳнатга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

Тўртинчидан, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш, геронтологик муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта қуришни талаб қилади.

Бешинчидан, ҳали ишлашни истайдиган “ёш қариялар”ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди.

Олтинчидан, аҳолининг кексайиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибига таъсир кўрсатади, яъни аҳоли бу гуруҳининг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ равишда товар ва хизматлар ассортиментини ўзгартиришга тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзгартириш, машина ва ускуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак. Транспорт воситалари ҳам кексаларнинг талабларига монанд бўлиши лозим.

Аҳолининг кексайиши шароитида қарияларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан қарияларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасини янада кучайтириш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида гериатрик марказ ва республиканинг барча туман ва шаҳарларида шу марказнинг бўлимларини очиш ҳамда улар томонидан аҳолининг шу категориясига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш;
- бакалавриат ва магистратура йўналишлари классификаторига "Геронтология", "Гериатрия" ихтисосликлари, тиббиёт коллежларига "Патронаж ҳамшираси", "Ижтимоий ходим" ихтисосликларини киритиш бўйича давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритиш ва шу ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- барча маҳаллаларда қариялар учун мўлжалланган кундузги мулоқотда бўлиш ва ҳордиқ чиқариш жамоатчилик марказларини кўпайтириш;
- ёлғиз кексаларга ўз уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш.

## 3.2. Меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари

Асосий демографик жараёнларга хос бўлган юқорида кўрилган тенденциялар аҳоли ёш таркибига таъсир этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республика аҳолиси ёш таркибининг 2025 йилгача бўлган истиқболи аниқланди (-жадвал).

**-жадвал**

**Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг истиқбол кўрсаткичлари**

| Кўрсаткичлар | Бирлик | Йиллар | | | 2025 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2015 | 2020 | 2025 | +,- | % |
| Жами аҳоли сони | минг киши | 30189,6 | 32346,5 | 34390,7 | 401,1 | 113,9 |
| | фоиз | 100,0 | 100,0 | 100,0 | - | - |
| Меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони (0-15 ёш) | минг киши | 9841,8 | 9995,0 | 9835,7 | -6,1 | 99,9 |
| | фоиз | 32,6 | 30,9 | 28,6 | -4,0 | - |
| Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони (16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркаклар) | минг киши | 17842,0 | 19440,2 | 21012,7 | 3170,7 | 117,7 |
| | фоиз | 59,1 | 60,1 | 61,1 | 2,0 | - |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони (55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар) | минг киши | 2505,8 | 2911,3 | 3542,3 | 1036,5 | 141,3 |
| | фоиз | 8,3 | 9,0 | 10,3 | 2,0 | - |

Прогноз қилинаётган даврда республикада жами аҳоли сони 13,9 фоизга кўпаяди ва 2025 йилга бориб 34390,7 минг кишини ташкил қилиши кутилади. Бу давр мобайнида аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сонининг 0,1 фоизга камайиши, аксинча меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонининг 17,7, меҳнатга қобилиятли ёшдан каата бўлган аҳоли сонининг 41,3 фоизга кўпайиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар таҳлили асосида шундай хулоса қилиш мумкин, болалар сони мунтазам камайиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва ундан катта бўлган аҳоли сони ортиб боради. Бу ўз навбатида республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг “қуйидан” қариш жараёнининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, 1991-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг қариш индекси 6,1 пунктга кўпайган. Албатта, кўрилаётган даврнинг турли оралиқларида ҳудудлар миқёсида аҳолининг қариш индексининг кўпайиш суръати турлича бўлган. Жумладан, 1991-1995 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида аҳолининг қариш индекси – 0,8, Тошкентда – 0,1, Навоий ва Хоразм вилоятларида – 0,6, Тошкент шаҳрида – 2,2 пунктга ўсган бўлса, бу кўрсаткич Андижонда – 0,3, Самарқандда – 0,8, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида – 0,2 пунктга камайган. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида аҳолининг кексайиш жараёни 1991 йилдан бошланган ва бу бу тенденция 2000-2010 йилларда республиканинг барча ҳудудларига улар аҳолисининг ёш таркибида болалар мутлақ сонининг қисқариши ҳисобига қариш индекси кўрсаткичи ортиши билан ёйилди.

Ҳисоблаб чиқилган аҳолининг қариш индексига асосланган ҳолда ҳудудлар аҳолисининг кексайиш даражасини жаҳонда қабул қилинган демографик мезонга кўра уч гуруҳга ажратилди:

• биринчи гуруҳга – аҳолиси нисбатан суст кексаётган ҳудудлар (20,0 % дан кам): Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари;

• иккинчи гуруҳга – аҳолиси ўртача даражада кексаётган вилоятлар (20,0-30,0%): Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари;

• учинчи гуруҳга – аҳолисининг кексайиши юқори даражада бўлган ҳудудлар (30,0 % дан баланд): Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти киритилди.

Юқорида қилинган таҳлилларга асосланган ҳолда шуни айтиш керакки, аҳолиси нисбатан суст кексаётган вилоятларда ҳам аҳолининг қариш индекси

кўтарилиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида яқин келажакда республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам аҳолининг кексайиш даражаси ривожланишини кўрсатади.

Ўз навбатида, аҳолининг кексайиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади ҳамда бу жараён қуйидаги қатор ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Биринчидан, кексалар улушининг ортиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Одамнинг ёши қанча катта бўлса, маҳсулдорлиги шунчалик паст бўлади.

Иккинчидан, аҳолининг кексайиши иқтисодиётда ёшлар улуши камайишини англатади. Бу эса иш билан банд аҳолини касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариши жараёни ва бинобарин иқтисодиётнинг самарадорлиги ошишини секинлаштиради.

Учинчидан, пенсия жамғармаси зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади. Зеро, пенсионерлар улушининг кўпайиши билан бир йўла пенсия жамғармаларига маблағ тўлаб борадиган меҳнатга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

Тўртинчидан, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш, геронтологик муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта қуришни талаб қилади.

Бешинчидан, ҳали ишлашни истайдиган "ёш қариялар"ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди.

Олтинчидан, аҳолининг кексайиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибига таъсир кўрсатади, яъни аҳоли бу гуруҳининг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ равишда товар ва хизматлар ассортиментини ўзгартиришга тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзгартириш, машина ва ускуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак. Транспорт воситалари ҳам кексаларнинг талабларига монанд бўлиши лозим.

Аҳолининг кексайиши шароитида қарияларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан қарияларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасини янада кучайтириш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида гериатрик марказ ва республиканинг барча туман ва шаҳарларида шу марказнинг бўлимларини очиш ҳамда улар томонидан аҳолининг шу категориясига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш;
- бакалавриат ва магистратура йўналишлари классификаторига "Геронтология", "Гериатрия" ихтисосликлари, тиббиёт коллежларига "Патронаж ҳамшираси", "Ижтимоий ходим" ихтисосликларини киритиш бўйича давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритиш ва шу ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- барча маҳаллаларда қариялар учун мўлжалланган кундузги мулоқотда бўлиш ва ҳордиқ чиқариш жамоатчилик марказларини кўпайтириш;

- ёлғиз кексаларга ўз уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш.

### 3.3. Меҳнат бозорида меҳнат миграциясининг ўрни

Жаҳон иқтисодиётининг XXI асрдаги интеграциялашуви ва либераллашуви жараёнида ижтимоий меҳнат миграциясининг аҳамияти мунтазам ошиб бормоқда. Шундай экан ижтимоий меҳнат миграциясининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш унинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Демак ижтимоий томондан кўрадиган бўлсак, ишчиларнинг яъни меҳнат ресурсларининг бир худуддан бошқа бир худудга кўчиб юриши бўлса, иқтисодий томондан ёндошадиган бўлсак эса, ижтимоий мазмуни билан боғланган ҳолда иқтисодиётнинг худудлараро тармоқларида банд аҳолининг кўчиш тушинилади. Ҳозирги кунга келиб ижтимоий меҳнат миграциясига меҳнат социологияси ҳамда демографиясига таянган ҳолдатаъриф ишлаб чиқилган. Бундай таъриф Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Халқаро Миграция бўйича Ташкилот томонидан ишлаб чиқилган. Унга кўра «меҳнат-мигрантлари – булар, инсонларнинг бирор бир худуддан у ўзи истиқомат қиладиган мамлакат миқёсидами ёки рцухсат этиладиган мамлакатгами кўчиб иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган қисми».

Энди эса бу таърифни умумлаштирсакда қуйидагича таъриф келтирсак:

«Ижтимоий меҳант миграцияси – бу, инсонларнинг бир ижтимоий-профессионал гуруҳдан бошқа (бошқа) гуруҳга ёки бандлик доирасига (макон жиҳатдан), меҳнат фаолиятининг бошқа турларига ва албатта худудлараро иш жойларга ўтиб кетиши». Ижтимоий меҳнат миграцияси деганда одатда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги ўзгаришлар билан боғлиқ маконий кўчиб юриши тушинилади. «Аҳоли мазкур қисмининг кўчиб юришини талқин қилишда иккита ёндошувдан фойдаланилади. Биринчи ёндошув анча кенг ва умумий бўлиб, унда миграция аслида ишчи кучининг маконда харакат қилишга мос келади, иккинчи ёндошув анча тор ва махсус ёндошув бўлиб, бунда миграция маконда харакат қилишнинг муайян турлари билан чекланади. Иккинчи ёндошув migratio (лотинча «Кўчиб юриш», «Жойини ўзгартириш») сўзининг дарстлабки маъносига мос келади».

Ижтимоий меҳнат миграциясини кўриб чиқар эканмиз, унинг келиб чиқиш сабаблари ва ўз навбатида ижтимоий меҳнат миграциясининг ҳам мамлакат иқтисодиётига ижобий ва салбий таъсирларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Чунки буни ёритишдан мақсад халқаро меҳнат бозорининг меҳнат миграцияси шаклида намоён бўлишидир.

Меҳнат миграциясига таъсир этувчи омиллар иккита катта гуруҳга ажратилади. Ва бу иккита гуруҳ қуйидагилардан иборат:

1) Иқтисодий омиллар;
2) Ноиқтисодий омиллар.

Иқтисодий омиллар қуйидагича тартибда таснифланади:

а) мамлакатнинг иқтисодий ривожланганликда режасияъни ишчи кучлари ўз мамлакатларига нисбатан анча иқтисодий юксалган давлатларга кўчиб кетишига интиладилар:

б) мамлакат меҳнат бозорининг ҳолати, ёки бошқача айтсак кам ривожланган ва аҳоли сонининг зичлиги оқибатда ишсизлар бошқа давлатга иш излаб кетиб қолишади;

в) иқтисодиётдаги эркинлаштирилиши натижасида халқаро муносабтлар яхши йўлга қўйилиб ишчи кучларини алмашиниши юзага келди;

г) капитал ҳаракати, яъни капитал олиб кириш ёки олиб чиқиш натижасида капитал билан бирга малакали ходимларнинг ҳам миграцияси содир бўлади.

Ноиқтисодий омиллар эса қуйидагилар:

а) сиёсий-ҳуқуқий омиллар; б) миллий омиллар; в) диний омиллар; г) ирқий омиллар; д) оилавий муносабатлар омиллари.

Энди эса меҳнат миграциясига таъсир этувчи омиллар батафсил, аниқ ва равшан изоҳлаб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Миграция омиллари деганда ишчи кучининг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши учун сабаб бўладиган объектив ва субъектив шарт-шароитлар тушунилади. Ҳозирги вақтда меҳнат миграциясининг сабаб оқибатларини ўзаро боғлиқлигини тушунтириб берадиган бир қатор назариялар ва концепциялар ишлаб чиқилган. Улар ёрдамида минтақалар ўртасидаги турли миграцион оқимларнинг кўлами, йўналишлари, жадаллиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мезонлари билан биргаликда макродаражада мувофиқлаштиради (иш ҳақининг миқдори, иш билан бандлик даражаси, капитал маблағлар ҳажми, уй-жой шароитлари, иш ўринлари сони ва ҳоказолар билан). Бундай ўзаро алоқаларнинг муҳим жиҳати – улар феъл атворининг мигратнлар таркибига (ёшига, жинсига, маълумот даражасига ва касбий тайёргарлигига ва хакозоларга) боғлиқликни аниқлашдир.

Ижтимоий меҳнат миграцияси давлат қонунчилиги ва халқаро актлар ёрдамида тартибга солиб турилади. Миллий қонунчиликда 2 хил тенденция ёнма-ён юради:

1) очиқ иқтисодиёт шароитида яъни меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракати;

2) проекционизм шароитида яъни миграция жараёнининг чекланганлиги.

Давлат миграция сиёсати – бу, ишчи кучи экспорти ва импортини тартибга солиб турувчи давлатнинг мақсадли фаолияти Ишчи кучи миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши бевосита меҳнат мигрантларининг манфаатларини ҳамда ишчи кучиниэкспорт ва импорт қилувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ.

«Давлат миграция сиёсатини тартибга солишнинг турли мақсад ва усулларидан келиб чиқиб эмигарция ва иммигарция сиёсатига ажралади».

Давлатнинг эмиграция сиёсати – бу, билвосита тартибга солиш яъни маъқул бўлган эмиграция иқлимини яратиш ва бевосита тартибга солиш яъни эмиграция оқимларининг ҳажмини ва таркибини мақсадли равишда тартибга солишни кўзлайдиган саёсат.

Эммиграция оқимларини билвосита тартибга солиш усули:

1) чет элдан валюта кириб келишини кўзлаган валюта ва банк сиёсати;

2) ҳисоб рақамида валюта сақлаш бўйича имтиёзлар бериш;

3) меҳнат мигрантларига қимматли қоғозларни сотиш, албатта солиқ солмасдан;

4) божхона сиёсати яъни бунда ўз ватанига қайтаётган меҳнат мигрантларига бож тўловлари бўйича имтиёзлар берилади.

Эмиграцияни тартибга солишнинг бевосита усули:

1) меҳнат миграцияси субъектларини яъни воситачи фирмалар ёки меҳнат мигрантларини назорат қилиб туриш;

2) экспансион сиёсат, яъни чет эл бозорларидаги иш жойларини эгаллаб олиш учун йўналтирилган сиёсат (масалан, ўша мамлакатда ишлаб чиқарилиб экспорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи мутахассисларни кўпроқ жўнатиш орқали бозорни эгаллаш);

3) структуравий сиёсатнинг асосий элементлари бўлиб қуйдагилар ҳисобланади:

а) чет эл паспорти берилишини чеклаш;

б) айрим тоифадаги ишчиларнинг чиқиб кетишини тақиқлаш ва эмиграцияга квота қўйиш.

Давлатнинг иммиграция сиёсати – бу миллий меҳнат бозорини мигрантларининг тартибсиз ҳаракатидан ва нотўғри фойдаланилишидан ҳимоя қилиш сиёсати. Мигрантлар қуйидаги 3 та тоифа бўйича таснифланадилар:

1) оилавий эмиграция, бунда оила аъзоларининг айримлари чет элда юрганлиги боис қолганлари ҳам кўчиб боришга тўғри келади;

2) иқтисодий эмиграйия, катта маҳорат ва меҳнатга лаёқатлилик, хусусий тадбиркорлик фаолияти бўйича малака талаб қиладиган ва иқтисодиётнинг ривожланишига хисса қўшадиган миграция йўналишидир. Ва ўз навбатида иқтисодий эммиграция ҳам 4 хил кўринишга эга:

- шахсий тадбиркорлик эмиграцияси (тажриба ва ўз капитали орқали борган жойида иш бошлайди);
- ёши кичикроқ бўлган лекин яхши малакали бўлган шахсларнинг эммиграцияси;
- иш берувчи таклифига биноан эммиграция;
- халқаро аҳамиятга эга бўлган яъни ижод ва спорт кабилар туфайли эммиграция;

3) гуманитар эмиграция; қочоқларнинг ҳаракати сифатида намоён бўлади.

## Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Демографик ривожланишнинг моҳияти.
2. Демографик ҳолатни баҳолаш кўрсаткичлари.
3. Аҳолининг такрор барпо бўлиши ва унинг асосий турлари.
4. Аҳолининг табиий ва механик ўсиши.
5. Оиланинг вазифалари, таркиби ва турлари. Замонавий оила трансформацияси.
6. Демографик сиёсатнинг моҳияти ва уни ўтказиш услублари.

7. Туғилиш ва оила соҳасида демографик сиёсат.

8. Ўлим ҳолатини қисқартириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш соҳасидаги сиёсат.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Abduraxmonov Q.X., Shoyusupova N.T. Aholini ish bilan bandligi. O'quv qo'llanma. – T.: 2011. – 291 b.

2. Abduraxmonov Q.X., Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sostiologiyasi. O'quv qo'llanma. – T.: 2013. – 534 b.

3.Xolmo'minov Sh.R., Xolmurodov S.E. Mehnat bozori iqtisodiyoti. – T.: 2013. –228 b.

4.Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.–144 б.

# ТАҚДИМОТ


1-МАВЗУ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ МОҲИЯТИ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ
РЕЖА
1
• “Меҳнат бозори” ҳақида тушунчалар.
2
• Меҳнат бозорини вужудга келишининг худудий хусусиятлари.
3
• Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари.
4
• Ишчи кучига талаб. Ишчи кучининг таклифи.


1.1.Меҳнат бозорининг хакида тушунчалари
Ҳозирги вақтда ўтиш даври иқтисодиётининг олдида турган долзарб муаммолардан бири меҳнат бозорини самарали шакллантириш ва ривожлантиришдир. Бунинг учун, ҳаммадан аввал ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишининг объектив қонунларидан саводли фойдаланиш зарур.
Маълумки, тараққиёт соҳиби бўлиб хизмат қилган инсон - жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи ҳамдир. У бир вақтнинг ўзида моддий бойликлар ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмол қилувчиси бўлганлиги сабабли, айнан унинг туфайлигина «Ишлаб чиқариш - истеъмол» тизимида мувозанатга эришилади. Фақат инсон эҳтиёжини жуда муҳим деб билган ва унинг самарали такрор ишлаб чиқарилишини таъминланган жамиятгина энг юқори тараққиётга эришади.
Меҳнат нархи ва иш ҳақи даражаси ишчи кучига талаб ва таклифга таъсир қилади, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, керакли мутаносиблик ва мувозанатни сақлайди. Табиий бозор механизмларига кўра, ишчи кучи - нарх наво, бозор конъюктурасига тез ва эпчиллик билан жавоб беради, унинг ҳақиқий эҳтиёжига мувофиқ кўпаяди ёки камаяди. Жадал меҳнат бозори шароитларида ишсизлик - меҳнатга лаёқатли аҳолининг банд бўлмаган қисми давра айланиши вазифасини бажарувчи табиий ҳодиса.


1.2. Меҳнат бозорини вужудга келишининг худудий хусусиятлари.
Меҳнат бозорини вужудга келишининг худудий хусусиятлари шакллантирувчи тизимчада худди шундай ўзгаришлар содир бўлиши, яъни харидорлар-мулкдорлар ўртасида рақобат пайдо бўлиши керак. Фақат шундай шароитларда бир томондан, ходимнинг иқтисодий фаоллигига ва бошқа томондан, ишлаб чиқариш воситалари эгасининг бозордаги иқтисодий фаоллигига асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишга умид боғлаш мумкин.
Жамиятнинг бошқа барча воситалари: мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш ва илмий салоҳият, молия, нархлар ва ҳ. к. ушбу асосий мақсадга бўйсуниши керак. Бу дегани, бугунги бозорга қараб иқтисодий тизим ҳаракатини тўғри мўлжалга олмоқ, ўтиш даврини тезлатмоқ ёҳуд секинлаштирмоқдир.


1.3.Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари
1
• ишчи кучига талаб
2
• ишчи кучига таклиф
3
• ишчи кучи қиймати,
4
• ишчи кучи баҳоси
5
• Ишчи ёллашдаги рақобат.


1.4. Ишчи кучига талаб. Ишчи кучининг таклифи.
Талаб иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш - ижтимоий инфратузилмаси ва бошқа соҳаларнинг меҳнат бозорига буюртма этган, иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган ишчи кучи эҳтиёжнинг ҳажми ва таркибини акс эттиради. Таклиф ёлланма шарти билан ишга эга бўлишдан манфаатдор ишчи кучининг миқдор ва сифат (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, даромади ва бошқалар бўйича) таркибини ифодалайди.
Меҳнат бозоридаги ишчи кучининг таклифи мураккаб демографик тузилишга эга.
Аввалламбор аҳолининг умумий сонидан ёлланиб ишлашга қодир, яъни меҳнат қобилиятига эга бўлиб, унинг эгаси - ходим меҳнат бозорида уни таклиф қилишдан, тадбиркор эса уни ўз корхонасида белгиланган вақт давомида фойдаланиш учун ёлланишидан манфаатдор қисмини ажратиш керак.


1.5. Ишчи кучининг қиймати. Ишчи кучининг баҳоси.
Аҳолининг умумий сонидан иккита йирик ишчи кучининг қиймати ажратиш мумкин:
1) ёлланиб ишлашга қодир меҳнатга лаёқатли ва ундан юқори ёшдаги аҳоли;
2) ёлланиб ишлашга қодир бўлмаган меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва каттароқ аҳоли.
Меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса унинг иқтисодий фаол қисми меҳнат бозорининг шаклланишида асосий демографик манба ҳисобланади.
Шундай қилиб, шубҳасизки, республика меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг ўсиши кўп жиҳатдан аҳолининг иқтисодий фаол қисми ҳолати билан белгиланади. У эса мазкур бозордаги рақобатга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.


1.6.Ишчи кучини ёллашдаги рақобат
Ишчи кучини ёллашдаги рақобат миқдор ва сифат нуқтаи назардан тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Республикамизда меҳнат бозорида ишчи кучига талабнинг миқдори унинг таклифига нисбатан 1,6 марта кам.
Ишчи кучи таклифининг миқдори унга эҳтиёжнинг талабларига тўлиқ мос келмайди. Шунинг учун меҳнат бозори коньюктурасини ифодалайдиган иккита ўзаро боғланган гуруҳлардаги омиллар ва шарт-шароитлар ҳолатини таърифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларини ажратиш зарур.
Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради: иқтисодиёт секторининг ҳолати; моддий-техник таъминотининг даражаси; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, қурилиш саноати, шахсий-ёрдамчи хўжаликлар ва уйда ишловчилар меҳнатининг ҳолати;
Иккинчи гуруҳга эса қуйидагилар киради: маълумот, малака ва касбни эгаллаганлик даражаси; юқори малакали кадрларни тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларининг ҳолати; меҳнатга лаёқатли банд бўлган ва банд бўлмаган аҳолининг жинси ва ёши бўйича тузилиши;
Яхши моддий-техника базасини ташкил этиш, фан-техника тараққиёти натижаларини маркетингни бошқаришда тезкорлик билан жорий қилиш ва бошқалар


1.7.Меҳнат бозори сегментлари.
Меҳнат бозорининг сиғими ва унинг контингентини ўрганиш учун сегментларга бўлиш қўлланилади. Меҳнат бозорини сегментларга бўлиш — уни ўз чегаралари билан ходимлар ҳаракатини чеклайдиган барқарор алоҳидаланган сегментларга (гуруҳларга) ажратишдир.
Одатда, сотувчилар ва харидорларни сегментларга бўлиш уларни бирлаштирувчи белгилар, масалан, жуғрофия жойлашуви, ижтимоий-демографик хусусиятлари (жинси, ёши), маълумот даражаси, малакаси, иш стажи ва ҳоказоларга қараб рўй беради


2-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ШАКЛЛАНИШИ
РЕЖА
1
• Меҳнат бозорининг шаклланишининг аҳамияти
2
• Меҳнат бозори шаклланишининг шарт-шароитлари.
3
• Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги.
4
• Меҳнат бозори шаклланининг иқтисодий шарт-шароитлари.


2.2. Меҳнат бозори шаклланишининг шарт-шароитлари.
Иш берувчининг ишчи кучига мустақил талаби
Ишчи кучининг эркин таклифи
Меҳнат бозорини шакллани ш шароитлар и
Ёлланма ходимнинг иш берувчилардан ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинганлиги
Иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини эркин белгиланганлиги

## 2.3. Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги.

**Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги** – умуман, республика бўйича **меҳнат бозори шаклланишининг асосий шароити ёҳуд шартидир.**

У бир қаторда меҳнат бозорининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқлимий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар сафида туради.

Меҳнат бозори шаклланишининг **асосий иқтисодий шарт-шароити** бўлиб, ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчиликлари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қилади

## 2.7. Меҳнат бозори шаклланишининг ҳуқуқий шарт-шароитлари.

Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат бозорида ишчи кучини сотиш-сотиб олишнинг **ҳал қилувчи ҳуқуқий шарт-шароити** ҳисобланади.

Меҳнат ҳуқуқи бўйича ғарб мутахассисларининг илмий ишларида меҳнат шартномаси «Ходимни иш ҳақи эвазига меҳнат қилиш мажбуриятини олиши ва ҳуқуқий бўйсуниши мавжудлиги ҳақидаги келишув» сифатида ифодаланади. Шартнома хусусий-ҳуқуқий харидларнинг турлича кўриниши бўлиб, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқига хос меъёрлар, қоидалар, концептуал конструкцияларни қўллаш имкониятлари ва зарuriятини асослайди.

Меҳнат шартномасининг бош хусусияти шундан иборатки, уни тузиш албатта бўйсуниш ва боғлиқликка олиб келади, бундан ташқари вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга ишончлилик ва узоқ муддатлилик характерини ифодалайди.

## 3.1. Меҳнат бозорини тартибга солишни моҳияти.

**Меҳнат бозори муносабатларини тартибга солиш комплекс-шартнома тизимининг қайишқоқлиги, шунингдек, муносабатлари соҳасида тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариш ҳақидаги кенг ёйилган тўғри тасаввурларга эга бўлишдир.**

**Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат можороларини бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди. Меҳнат бозорида мазкур муносабатлар жамоавий, шахсий ва ҳудудий усуллар асосида тартибга солинади.**


3.3. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш усуллари.
Ишчи кучига талабни ошириш усули. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, экинларни етиштиришда таркибий тузилмани қайта қуриш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан бўшатилаётган ходимлар сони тез кўпаймокда.
Ишчи кучларига таклифни камайтириш усули. Ишчи кучларига бўлган таклифни камайтиришга, шунингдек, уларнинг меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин.
Ишчи кучларига талабни камайтириш усули. Мазкур усулга ҳудудий хокимиятларнинг у ёки бу минтақаларда, тармоқлари ёки касб-ҳунарларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтиришни секинлаштиришга оид қуйидаги чора-тадбирлар: ортиқча ишчи кучларидан фойдаланганлик учун қўшимча солиқларни белгилаш; қаттиқ кредит сиёсатини ўтказиш;


3.4. Меҳнат шартномаларини аҳамияти ва турлари
Меҳнат шартномаларини аҳамияти ва турлари
Меҳнат бозори муносабатларини тартибга солиш комплекс-шартнома тизимининг қайишқоқлиги, шунингдек, муносабатлари соҳасида тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариди.
Айни пайтда битим шартлари шартнома шаклини олиб, икки томонни мазкур шартлар асосида ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида охирги чораларни кўрмасдан, яъни, иш ташлаш ёки ишдан бўшатишга йўл қўймай, ҳаракат қилишга мажбур этади.


3.4. Меҳнат шартномаларини аҳамияти ва турлари
Меҳнат шартномаларини аҳамияти ва турлари
Ходим билан тузилган шахсий шартнома иш берувчи учун анча фойдалидир. Шахсий шартнома тизими ёлланувчининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради.
Жамоавий битимларга кўра эса, бундай қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тузиладиган шахсий битим кўп ҳолларда ёлланувларни ижтимоий кафолатларнинг каттагина қисмидан маҳрум этади.
Меҳнат муносабатларини шахсий услубда тартибга солиш ва бандликнинг қайишқоқ шаклларини жорий этиш - ёлланувлар кучидан фойдаланишни (эксплуатацион характерда) кучайтириш ҳамда доимий ишловчи шахслар учун илгари мавжуд бўлган ижтимоий кафолатлардан воз кечилишидан ташқари яна бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.


3.5. Жамоа меҳнат шартномасини мазмуни, ютуқлари ва камчиликлари.
Жамоавий шартнома меҳнат муносабатлари барқарорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоавий шартнома тизими меҳнат бозоридаги хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларидаги можароларни ўзича бартараф эта олмайди. Чунки, ушбу можаролар асосини ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, интилишлар, талаблардаги фарқлар ташкил этади. Гарчи, жамоавий битимлар тизими манфаатларни келишиб олиш, ўзаро бир қарорга келиш ва можароларни тезлик билан бартараф этиш жараёнларини кўзда тутсада, музокаралар жараёни анча мақбул натижаларга эришиш имкониятини ҳам яратади.
Ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ижтимоий жиҳатдан кам муҳофазаланган ва жамоавий шартномалар билан қамраб олинмаган. Шу боис давлат, айниқса, хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ёллашнинг шахсий шартнома шакллари ривожини назорат қилиб бориши керак. Акс ҳолда, норозилик кучайиши натижасида давлат ишсизлик бўйича ижтимоий тўловларни анча кўпайтиришга мажбур бўлиб қолади.


3.6. Шахсий меҳнат шартномасини мазмуни,
ютуқлари ва камчиликлари.


ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА АҲОЛИНИ
ОҚИЛОНА ИШ БИЛАН БАНДЛИГИГА ЭРИШИШ
РЕЖА
1
• “Аҳолини иш билан оқилона бандлиги” ҳақида тушунчалар, унинг аҳамияти ва унга меҳнат бозорининг таъсири.
2
• Аҳолини иш билан оқилона бандлигига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар, ҳамда ижтимоий-иқтисодий тадбирлар.
3
• Муайян иш билан бандлик турини шаклланишига тўсиқ бўлувчи сабаблар.
4
• Аҳолини оқилона бандлигини таъминлаш мезонлари.
5
• Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, иш жойлари сонини кўпайтириш.
6
• Иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш: меҳнат унумдорлигини усишни таъминлаш; меҳнат даромадларини кўпайтириш


4.1. “Аҳолини иш билан оқилона бандлиги” ҳақида тушунчалар, унинг аҳамияти ва унга меҳнат бозорининг таъсири.
Меҳнатга қобилиятли аҳолининг оқилона бандлигининг шаклланиши фақат меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва иқтисодиётнинг барча секторларида таркибий ислоҳотлар ўтказилиши асосида амалга оширилиши мумкин.
Аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади.


7.1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий кадрлар билан ишлаш тизимининг тавсифи
Маҳаллий кадрлари билан ишлаш тизими батик ва динамик кичик тизимлардан ташкил топади. Статик кичик тизимга кадрлар сиёсати муаммолари, кадрлар тизимини ташкил этиш. Кадрлар танлаш ва ҳоказолар киради. Кадрлар билан ишлаш динамик тизими ходимларининг меҳнатни ташкил этиш, уларнинг шу услуби ва усуллари.
Ишга рағбатлантириш тизими, тарбия масалалари ва ҳоказолар киради. Одатда тизимнинг статик қисми сўзнинг тор маъносида кадрлар билан ишлаш тизими деб, динамик қисми эса «меҳнатни илмий ташкил этиш» ёки «иш услуби ва усуллари» деб аталади.

## 7.2. Маҳаллий ташкилот ва муассасаларда кадрларни танлаш ва унинг мезонлари таҳлили.

Кадрларни танлаш бу шундай жараёнки, унинг ёрдамида корхона ёки ташкилот бўш жойга бир ёки бир нечта даъвогарлар орасидан танлаш мезонига кўра, атроф муҳит шарт-шароитларидан келиб чиқиб, энг мақбул одамни танлаб олади.

Ишнинг миқдори оғирлиги ва технологик ўзгарувчанлиги кадрларни ташлашга таъсир кўрсатадиган омиллардир. Тизимли, ишончли ва оқилона танлаш усуллари катта моддий харажатларни талаб этади, шунинг учун ҳам бундай усулларни фақат катта ташкилотлардагина қўллай оладилар. Бўш (вакант) жойлар кўп, даъвогарлар сони эса ундан ҳам кўп бўлган ҳоллардагина бундай усулларни ишлаб чиқиш ўзини оқлайди. Агар корхонада бўш жойлар кўп бўлса-ю, аммо даъвогарлар сони кам бўлса, мураккаб танлаш усуллари талаб этилмайди.

## 8.1. Ижтимоий меҳнат миграциясининг ижтимоий иқтисодий мазмуни ва моҳияти

Жаҳон иқтисодиётининг XXI асрдаги интеграциялашуви ва либераллашуви жараёнида ижтимоий меҳнат миграциясининг аҳамияти мунтазам ошиб бормоқда. Шундай экан ижтимоий меҳнат миграциясининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш унинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Демак ижтимоий томондан кўрадиган бўлсак, ишчиларнинг яъни меҳнат ресурсларининг бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб юриши бўлса, иқтисодий томондан ёндошадиган бўлсак эса, ижтимоий мазмуни билан боғланган ҳолда иқтисодиётнинг ҳудудлараро тармоқларида банд аҳолининг кўчиш тушинилади. Ҳозирги кунга келиб ижтимоий меҳнат миграциясига меҳнат социологияси ҳамда демографиясига таянган ҳолдатаъриф ишлаб чиқилган.

«Ижтимоий меҳант миграцияси – бу, инсонларнинг бир ижтимоий-профессионал гуруҳдан бошқа (бошқа) гуруҳга ёки бандлик доирасига (макон жиҳатдан), меҳнат фаолиятининг бошқа турларига ва албатта ҳудудлараро иш жойларга ўтиб кетиши». Ижтимоий меҳнат миграцияси деганда одатда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги ўзгаришлар билан боғлиқ маконий кўчиб юриши тушинилади. «Аҳоли мазкур қисмининг кўчиб юришини талқин қилишда иккита ёндошувдан фойдаланилади.

## 4.2. Аҳолини иш билан оқилона бандлигига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар, ҳамда ижтимоий-иқтисодий тадбирлар.

Аҳоли оқилона бандлиги шаклланишининг муҳим шарт-шароитлари – машғулотлар тури, иш ва яшаш жойини эркин танлаш, аҳоли сафарбарлигининг турли маъмурий чекланишларини (прописка, виза, асоссиз ишдан бўшатишни ман қилиш ва ушлаб қолишлар) бекор қилиш, меҳнат ҳақидаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда ишга жойлашиш кафолатини беришдан иборат бўлади.

Мажбурий меҳнат қилишдан воз кечиш ҳар бир шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаш ёки ишламасликни ҳақиқий танлашини билдиради. Бунда меҳнат қилишнинг ҳуқуқий амалга оширилиши, шубҳасиз, ходимларни меҳнат бозорида ёлланишнинг энг яхши шароитлари учун мусобақалашувларини кўзда тутади.

## 4.3. Муайян иш билан бандлик турини шаклланишига тўсиқ бўлувчи сабаблар.

Аваллламбор, техник воситалардан самарасиз фойдаланиш ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишда илғор усулларни секинлик билан татбиқ этиш сабабли муайян иш билан бандлик турини шаклланишига тўсиқ бўлувчи сабаблардан бири. Тадқиқот ишлари кўрсатадики, ҳозирги мавжуд техник жиҳозланиш даражасида ҳам камроқ сонли ходимлар билан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Ишчи кучининг ортиқча қисмидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг унга талаб бўлган тармоқларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техника билан таъминланиш даражаси пастлиги нафақат ишлаб чиқариш қувватларидан самарасиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларининг талабларига тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади.

## 4.4. Аҳолини оқилона бандлигини таъминлаш мезонлари.

**Оқилона бандликни шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади:**

- ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш;
- иш жойларини кўпайтириш;
- иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш;
- меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш;
- ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

## 4.5. Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, иш жойлари сонини кўпайтириш.

Аҳолининг иш билан оқилона бандлигига ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришилган, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юзага келган, яшаш ва меҳнат қилиш жойлари эркин танланган, маҳаллий кадрлар сафарбарлигининг ҳар қандай маъмурий чекланишлари бекор қилинган, меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ ишга жойлашиш кафолатлари мавжуд бўлган, энг кам иш ҳақи даражасини минимал истеъмол бюджетигача оширишга муваффақ бўлинган ва меҳнат даромадларидан солиқлар секин қисқартирилган шароитлардагина эришиш мумкин.

**4.5. Иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш: меҳнат унумдорлигини усишни таъминлаш; меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайтириш ва ҳ.к.**

Аҳолининг иқтисодий фаол қисми мулкчиликнинг турли хил ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларига эга корхоналарда иш билан банд бўлган ёлланма ходимларни, мустақил шахслар ва тадбиркорларни, иш қидираётган (шу жумладан, ишсиз) меҳнатга қобилиятли, банд бўлмаган аҳолини қамраб олади. Буларнинг барчаси меҳнат салоҳиятини ташкил қилади.

Буларнинг барчаси меҳнат салоҳиятини ташкил қилади. У меҳнатга қобилиятли аҳолининг иқтисодий фаол бўлмаган қисми - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар, ҳарбий хизматда бўлганлар ва субъектив-объектив сабабларга кўра иш билан банд бўлмаганлар ҳисобига янгиланади ва тўлдирилади.

## 6.3. Меҳнат ресурслари балансининг ишлаб чиқиш методикаси.

Меҳнат ресурслари балансини тузиш методикаси ҳамда ишга жойлашишга муҳтож шахсларни аниқлаш чоғида асосий ахборот манбалари давлат статистикаси (меҳнат бўйича, аҳоли бўйича статистика ҳисоботлари) маълумотлари, маъмурий ҳисобга олишнинг (масалан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, уй-хўжаликлари, ходимлар рўйхатлари) ҳар хил турлари, шунингдек, иш билан бандлик масалалари юзасидан ишчи кучини танлаб текширишдан иборат бўлади. Ушбу хилма-хил манбалар улардаги ахборотнинг хусусияти ва мазмуни, маълумотларни тўплаш шакллари ва усуллари бўйича бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

### 10.5.Ижтимоий ҳимояга мухтож аҳолининг табақаларига квоталаштирилган иш жойларини ташкил этиш.

**Мустақил иш билан бандлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими. Ҳозирги вақтда меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолият доирасида мустақил иш билан бандликни ривожлантириш, тадбиркорлик малакаларини ўргатиш ва кичик бизнесни ташкил этишга кўмаклашиш дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат бозоридаги сиёсатнинг бу йўналиши энг муҳим ижтимоий вазифани —янгича меҳнат дунёқарашини шакллантиришдир.**

Ҳар бир ўзига хос табиий-экологик, ижтимоий-демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиб, "юқоридан пастга" тамойили бўйича **хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадли комплекс дастурини тузиш зару**р. Бундай дастур аҳоли бандлигини ошириш мақсадида тузилиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни тўғри амалга оширишга имкон беради.

### 10.6.Меҳнат бозорини тартибга солишнинг иқтисодий-ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

**Ишчи кучи таклифи камайишига олиб келувчи ижтимоий-иқтисодий тадбирларга қуйидагилар таалуқли: шахсий ёрдамчи хўжаликлар, шахсий меҳнат фаолияти ва ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг бошқа усулларини ривожлантириш; бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кўпроқ қўллаш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усулларини татбиқ этиш;**

**Ёлланган ишчи кучининг малакаси, сафарбарлиги, экспорт қобилияти ва ижтимоий ҳимоясини ошириш ижтимоий тадбирларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бозор услубида хўжалик юритиш талабларига мос келувчи юқори малакали ходимларни тайёрлашга жиддий зарурият туғилди.**

**ТЕСТ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | _______ – бу жон бошига истеъмол этиладиган товар ва хизматларнинг миқдори ва сифати бўлиб, уларнинг бозор қиймати билан ўлчанади. | ижтимоий фаровонлик | иқтисодий фаровонлик | турмуш даражаси | турмуш сифати |
| 2 | “Умрбод ёллаш тизими” биринчи бор қайси давлатда қўлланган? | АҚШ | Япония | Германия | Франция |
| 3 | “Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабаблари хусусидаги тадқиқотлар” асарининг муаллифи ким? | Алфред Маршалл | Жон Стюарт Милл | Адам Смит | Давид Рикардо |
| 4 | «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қачон қабул қилинган? | 1993 йил | 1991 йил | 1997 йил | 1998 йил |
| 5 | «Ишчи кучига талаб» тушунчасининг қайси бири тўғри? | корхонанинг ишчи кучига эҳтиёжи | иш берувчиларнинг ишчи кучига талаби | юридик ва жисмоний шахслар ишчи кучига эхтиёжи | ташкилот ходимларининг сони |
| 6 | Амалиётда персонални ишга қизиқтиришнинг энг кенг тарқалган услуби қайси? | Иқтисодий | Маънавий | Мақсадий | Интозомий |
| 7 | Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг Ўзбекистон моделини ўзига хос хусусиятларидан бири нотўғри келтирилган жавобни аниқланг | ижтимоий йўналтирилганлиги | давлат буджетидан ижтимоий мақсадларга катта харажатларнинг ажратилаётганлиги | давлат буджетидан ижтимоий мақсадларга кам харажатларнинг ажратилаётган | аҳолини манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | лиги | |
| 8 | Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг нофаол дастури нотўғри келтирилган жавобни аниқланг. | пул кўринишидаги ижтимоий ёрдам | натура кўринишидаги ижтимоий ёрдам | микрокредитлаш | имтиёзлар |
| 9 | Аҳолининг қайси функцияси ижтимоий меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари ёрдамида юзага чиқади? | истеъмол | ишлаб чиқариш | кўпайиш | репродуктив |
| 10 | Аҳолининг қайси функцияси репродуктив ёшдаги аёл томонидан дунёга келтирилган фарзандлар сони сифатида юзага чиқади? | истеъмол | ишлаб чиқариш | такрор ҳосил бўлиш | жамғарма |
| 11 | Белгиланган иш жойларининг энг кам миқдори ҳисобига иш билан таъминлашни рад этган иш берувчи – корхона раҳбарига нисбатан қанча миқдорда маъмурий жарима солинади? | Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда | Ўртача ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда | Энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда | Энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда |
| 12 | БМТ тавсиясига кўра аҳоли рўйхати мунтазам равишда неччи йилда бир мартадан кам бўлмаган муддатда ўтказилиши лозим? | 10 йилда | 15 йилда | 12 йилда | 7 йилда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи қандай усулда тартибга солинади? | талаб ва таклиф механизми орқали, давлат кафолатлари орқали | бозор механизми орқали | давлат орқали | ижтимоий ҳамкорлик йўли билан |
| 14 | Бошқарувнинг маъмурий услублари қайси жавобда тўғри кўрсатилган? | ҳокимиятга, персоналга имтиёзлар бериш ва жазо чоралари кўриш | персоналга иқтисодий қонунлар ва меёрий ҳужжатлар асосидатасир кўрсатиш | персонални ишга қизиқтиришни пировард мақсатлари билан боғлаш | меҳнат жамоаси ҳамдаалоҳид аходимларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига тасир кўрсатишни аниқ усулларидан фойдаланиш |
| 15 | Давлат ишсиз шахсларга ...ни кафолатламайди. | ишсизлик нафақасини тўлаш | касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни | ишсиз шахсга қарамоғидаги ларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўлаш | меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа йерга |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | умумий меҳнат стажига қўшиш | | кўчиш билан боғлиқ ҳаражатлари ни қоплаш |
| 16 | Даврий ишсизлик нима? | муайян иқтисодий ривожланиш даражасига тўғри келадиган меъёрий ишсизлик ҳолати | иқтисодий ривожланиш босқичларида юзага келган муайян ишсизлик | иқтисодиёт таркибининг ўзгариши билан келадиган ишсизлик | ишчи кучини иш жойини ўзгартириши муносабати билан юзага келадиган ишсизлик |
| 17 | Депопуляция бу нима? | Аҳоли мутлақ сонининг ўсиши | Аҳоли мутлақ сонининг камайиши | Аҳоли сонининг ортиқчалиги | Аҳолининг кексайиши муаммоси |
| 18 | Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилаётган иш ўринларининг жами миқдори ташкилот ходимлари рўйхат бўйича ўртача сонининг неча фоизидан ортиқ миқдорда белгиланиши мумкин эмас? | 3 | 5 | 7 | 10 |
| 19 | Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги таклифлар қайси ташкилот томонидан шакллантирилади? | маҳаллий давлат ҳокимияти органлари | бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий | иқтисодиёт бўлимлари | туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | муҳофаза қилиш марказлари | | ташкилотлар |
| 20 | Ижтимоий ривожланишга оид сиёсатнинг асосий йўналишлари нотўғри келтирилган жавобни аниқланг. | таълимдан тенг баҳраманд бўлишни таъминлаш | кам таъминланган оилаларнинг тиббий хизматдан ҳеч бир монеликсиз баҳраманд бўлишини таъминлаш | енергия манбалари, санитария, тоза ичимлик сувидан тенг баҳраманд бўлишни таъминлаш | саноатни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, хусусий сектор ва хусусий инвестициял арни ривожлантир иш |
| 21 | Ижтимоий саломатликнинг иқтисодий ўсиш билан ўзаро боғлиқлиги қуйидагилардан иборат: | бой жамият ижтимоий саломатликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун кўпроқ маблағ ажратиш имконига ега | саломатлик товар ва пул категорияларига кирмайди | саломатликни мустаҳкамлаш сезиларли даражада моддий ва молиявий маблағларни талаб қилади | инсонлар саломатлиги ёмонлашган вақтдагина уни қадрлай бошлайдилар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 22 | Ижтимоий сиёсатни ўтказишда давлатнинг бошқариш функцияси нотўғри келтирилган жавобни аниқланг. | аҳолининг иқтисодий нофаоллигини қўллаб-қувватлаш | аҳолининг яшаш даражасини кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик | маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари маҳаллалар орқали аҳолига аниқ ижтимоий ёрдам кўрсатиш | ижтимоий ислоҳотларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратиш |
| 23 | Ижтимоий соҳа тармоқлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг. | саноат, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш | қурилиш, қишлоқ хўжалиги, санъат, молия, саноат, ўрмон хўжалиги | транспорт, алоқа, таълим, туризм, санъат, маданият | таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, коммунал хўжалиги |
| 24 | Ижтимоий фаровонлик бўйича Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиладиган кўрсаткичлар тўғри келтирилган жавобни аниқланг. | асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг юқорилиги, аграр секторнинг барча тармоқларида улкан натижалар қўлга киритилганлиги | ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, ижтимоий соҳага | оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш | ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш даражаси, реал даромадларнинг мунтазам ўсиш |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | ажратилаётган маблағлар улушининг кўплиги | даражаси | суръати, ишбилармон лик муҳити учун қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги |
| 25 | Иқтисодиётда банд бўлган меҳнат ресурсларининг фойдаланилаётган қисми - бу | ишчи кучи | ишсизлар | иш билан бандлар | тўғри жавоб йўқ |
| 26 | Иқтисодиётда даромад келтиришга қодир бўлган ёки одамлар томонидан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун яратилган ресурслар нима деб аталади? | тадбиркорлик | капитал | демпинг | инвестицион кредитлар |
| 27 | Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли кимлардан иборат? | Иш билан бандлар ва ишсизлар | иш билан таъминланган аҳоли | иш излаётган аҳоли | самарали ишлаётган аҳоли |
| 28 | Иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳолининг турмуш даражаси нима билан баҳоланади? | аҳоли томонидан олинадиган даромадлар миқдори, овқатланиш даражаси, турар-жой шароитларининг | аҳоли томонидан яратилган товар ва хизматларнинг пулдаги қиймати | мамлакат резидентлари томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар | муайян даврда яратилган ЯИМ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳолати | | | |
| 29 | Илгари ишламаган, меҳнат органларига иш қидирувчи шахс сифатида мурожаат қилган ва илк бор меҳнат фаолиятини бошлашга тайёр шахслар тоифаси тўғри келтирилган жавобни аниқланг. | биринчи марта иш қидираётганлар | ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган шахслар | ходимлар | расмий ишсизлар |
| 30 | Иммиграция бу нима? | аҳолининг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга доимий ёки вақтинчалик яшаш учун кўчиб кетиши | аҳолининг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга доимий ёки вақтинчалик яшаш учун кўчиб келиши | аҳолининг дастлаб кўчиб кетган мамлакатига қайта кўчиб келиши | аҳолининг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга яшаш жойини ўзгартириши |
| 31 | Инвестициялар натижасида шаклланган билимлар, кўникмалар, малакалар ва сабаблар заҳирасидан иборат шахснинг жисмоний, ақлий ва психологик сифатлари ҳамда қобилиуатларини акс эттирадиган омил - бу | Инсон капитали | Инсон пуллари | Инсон қобилияти | Инсон омили |
| 32 | Инсон саломатлигини асосий ташкил қилувчилари қайсилар? | экология, жисмоний ҳолат, ишлаб чиқариш | руҳий, меҳнат ва маиший шароитлар, | ижтимоий, соғлиқни сақлиш | жисмоний, руҳий ва ижтимоий |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | спорт | хизмати, санъат | |
| 33 | Инсон тараққиёти бу – инсонларни қуйидагилар билан таъминлаш жараёнидир: | ҳаётнинг барча жабҳаларида танлаш имкониятларининг кенглиги; | ишга эга бўлиш ва бой бўлиш имконияти | узоқ умр давомида билим олиш имкониятлари | текин тиббий хизмат |
| 34 | Инсон тараққиёти ва иш билан бандлик ўртасидаги боғлиқлик нималарда ўз аксини топади? | иш билан бандлик – инсонинг муносиб мавжуд бўлиши имконини берувчи даромад олишига шароит яратади | иш билан бандлик – инсонларга жамият ҳаётига ҳисса қўшишга имкон яратади | иш билан бандлик – ўзини-ўзи ҳурмат қилиш ва шахсий қадрини мустаҳкамлан ишига олиб келади | иш билан бандлик инсонлар билан мулоқотда бўлиш имконини беради |
| 35 | Инсон тараққиёти индекси нима учун фойдаланилади? | аниқ мамлакатда инсонларнинг ҳаёт сифатларини ривожланиши мониторингини олиб бориш учун | барча мамлакатлар, ҳудудлар ва бутун дунёдаги иқтисодиётнинг ривожланиши мониторинги учун | бутун дунёдаги соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ривожланишни таҳлил қилиш учун | барча мамлакатлар, ҳудудлар ва бутун дунёда инсон тараққиётидаги ривожланишни мониторинги учун |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 36 | Инсон тараққиёти индексини дастлаб ким ишлаб чиққан? | Покистонлик иқтисодчи Муҳбул ул-Хақ томонидан XX асрнинг 80-йилларида ишлаб чиқилган ва илмий истеъмолга киритилган | Америкалик тадқиқотчи Ф.Тейлор ишлаб чиққан | Генри Форд ўз илмий ишларида биринчиларда н бўлиб муомулага киритган | Россиялик олимлар томонидан дастлаб ҳисоблаб чиққан |
| 37 | Инсон тараққиёти индексининг ҳар бир компоненти бўйича индекс қуйидагича ҳисобланади: | минимал белгилар максимал ва минимал белгилар ўртасидаги фарққа бўлинади | Ҳақиқатдаги ва минимал белгиларнинг фарқи максимал ва минимал белгилар ўртасидаги фарқга бўлинади | Ҳақиқатдаги белгилар максимал ва минимал белгилар ўртасидаги йиғиндига бўлинади | Ҳақиқатдаги ва минимал белгиларнин г фарқи максимал белгиларга кўпайтирила ди |
| 38 | Инсон тараққиёти концепцияси асосчилари қуйидаги олимлар ҳисобланади: | Френсис Стюарт, Ричард Джолли; | Махбуб ул Хак, Амартя Сен; | Андреа Джованни Корнеа, Артур Люис; | Р. Солоу, У. Ростоу. |
| 39 | Инсон тараққиёти концепциясига кўра инсон ҳаётининг асосий имкониятлари қуйидагилар ҳисобланади | яхши яшаш учун зарур бўлган ресурсларга эга бўлиш, сиёсий еркинлик | узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, демократия ва барқарорлик | яхши яшаш учун зарур бўлган ресурсларга эга бўлиш | узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билимлар олиш ва яхши яшаш |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | учун зарур бўлган ресурсларга эга бўлиш |
| 40 | Инсон тараққиёти концепциясига кўра миллатнинг асосий бойлиги бу: | ЯИМ | инсонлар | табиий ресурслар | олтин валюта заҳиралари |
| 41 | Инсон тараққиёти концепциясининг таркибий элементлари нотўғри кўрсатилган жавобни аниқланг. | ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбати | туғилганида кутилаётган ҳаёт давомийлиги | таълим даражаси | буджет таркибида ижтимоий соҳанинг улуши |
| 42 | Инсон тараққиёти тўғрисидаги биринчи Глобал маъруза нечанчи йилда чиқарилган? | 1991 й | 1990 й | 1995 й | 1997 й |
| 43 | Инсон тараққиёти тўғрисидаги биринчи маърузани тайёрлашда қандай янги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт индикатори таклиф қилинган? | ҳаёт сифати индекси | гендер тенглик индекси | аҳолининг қашшоқлик индекси | инсон тараққиёти индекси |
| 44 | Инсон тараққиётининг асосий кўрсаткичлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг. | даромад, ижтимоий хизмат, жамғарма | реал даромад, иш билан бандлик, манзилли ижтимоий ҳимоя | умр кўриш давомийлиги, саводхонлик даражаси ва ресурслардан фойдаланиш имконияти | таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, санъат, ижтимоий таъминот |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 45 | Инсон тирикчилигини таъминлаш усуллари ва воситалари мажмуи - бу | Иқтисодий фаолиуат | Ижтимоий фаолиуат | Оддий фаолият | Ишчилар фаолияти |
| 46 | Инсонлар эҳтиёжларини, улар ҳаётининг мақсадларини, ахлоқий меъёрларини шакллантириш тизими турмуш сифатига таъсир этувчи қайси омил таркибига киради? | ижтимоий | маънавий | ахборот | иқтисодий |
| 47 | Инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ва умуман жамият эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи миллий даромаднинг бир қисми ... деб аталади. | миллий даромад | истеъмол фонди | жамғарма фонди | миллий бойлик |
| 48 | Инсонларнинг ҳудудий жиҳатдан сафарбарлиги – бу… | миграсия | келиб-кетиш | юбориш | кутиш |
| 49 | Инсоннинг асосий эҳтиёжлари таркиби қайси жавобда нотўғри аниқланган? | ўзини-ўзи фаоллаштириш | ижтимоий гуруҳга мансублик, баҳолаш ва ҳурмат | ўзини ўзи фаоллаштириш, ҳокимият ва тасир кўрсатиш, эришиш | физиологик, хавфсизлик |
| 50 | Инсоннинг бирон-бир мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолияти бу – ? | иш | фаолиуат | меҳнат | мақсад |
| 51 | Инсоннинг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқ ва унинг жамиятни  аъзоси сифатидаги ҳаёт фаолияти шароитларини акс эттирадиган категория нима деб аталади? | жисмоний эҳтиёжлар | маънавий эҳтиёжлар | моддий эҳтиёжлар | шахсий эҳтиёжлар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 52 | Инсоннинг яшаш минимумини нима белгилаб беради? | минимал истеъмол буджети | энг кам иш ҳақи миқдори | даромад даражаси | эҳтиёжлари |
| 53 | Иш билан бандлик қандай тартибга солинади? | корхоналар томонидан | давлат томонидан | жамоа ва фермер хўжаликлари томонидан | меҳнат биржалари томонидан |
| 54 | Иш билан бандлик тушунчасига таъриф беринг | бу доимий иш билан таъминланган ва даромад манбаига эга кишилар | махсус давлат назоратидаги шахслар (ахлоқ тузатиш | колониялари, руҳий касалликлар) | доимий иш қидириб юрганлар |
| 55 | Иш билан таъминланмаган меҳнат заҳиралари ва ишсизлар ижтимоий муҳофаза қилинадими? | ҳа | йўқ | қисман | улардан фақат кўп фарзандлилар ҳимоя қилинади |
| 56 | Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасининг молиявий маблағлари қандай мақсадларга сарфланади? | меҳнат ва ижтимоий пенсияларни тўлаш, буджет кредитларини қайтариш, аппаратни таъминлаш | меҳнат органларини таъминлаш, иш ўринларини яратиш ва сақлаб қолиш, бизнес фондига ажратмалар | хайриялар, ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бошқарув аппаратини ушлаб туриш ва қуйи ташкилотларни ривожлантири | санатория-курортларда даволаниш, болалар ва бошқа соғломлаштириш лагерларини таъминлаш, капитал қўйилмалар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ш | |
| 57 | Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг асосий вазифалари нотўғри келтирилган жавобни аниқланг. | ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан давлат кафолатларини амалга ошириш | Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари таъминотини молиялаштириш | ходимларни соғломлаштириш, вақтинча меҳнатга қобилияцизлик нафақасини тўлаш, реабилитация харажатларини маблағ билан таъминлаш | тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш учун кредитлар бериш |
| 58 | Иш вақти фонди нималарга боғлиқ? | бир ишчи бир йилда ишлаган кунлар ёки соатларга | ходимлар сонига, бир ходим бир йилда ўрта хисобда ишлаб берган кунлар сонига ва | ишчилар сони ва иш сменаси муддатига | иш сменасининг ўртача муддатига ва ишдан ташқариишл |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | бир иш кунининг ўртача муддатига | | анган вақтга |
| 59 | Иш вақтини йўқотишларининг кўп қисмини қандай сабаблар келтириб чиқаради? | технология, хом – ашё | техникак, технология | касаллик, травматизм ва кадрлар қўнимсизлиги | хом – ашё |
| 60 | Иш вақтининг ортиқча сарф бўлиши сабаблари қандай аниқланади? | турли объектив ва субъектив сабаблар ўрганилади | маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш резервлари аниқланади | иш вақтининг ҳақиқий ва режадаги баланс маълумотлари таққосланади | иш вақтининг ҳақиқий маълумотлар и таққосланади |
| 61 | Иш кучига сарфланадиган харажатлар таркибида ижтимоий харажатларга сарфланалиган харажатлар-бу | ошхона ва шунга ўхшаш харажатларни маблағ билан таминлаш | талим ва мадани муассасаларни маблағ билан таминлаш ва далили хизматлар кўрсатиш | кредит берадиган иттифоқларга субсидиялар ва ходимларга шу йилдаги хизматлар учун мўлжалланган харажатлар | кредит берадиган иттифоқларг а субсидиялар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 62 | Иш кучига сарфланадиган харажатлар таркибида иш берувчи ўз зиммасига олган ходимларнинг уй-жой харажатлари таркиби қайси жавобда тўғри кўрсатилмаган | корхонага тегишли уй-жой пули | корхонага тегишли бўлмаган уй-жой харажатлари (субсидиялар, устамалар ва шу кабилар) | уй-жой билан боғлиқ бошқа харажатлар | Болалар боғчаси билан боғлиқ бошқа харажатлар |
| 63 | Иш кучига сарфланадиган харажатлар таркибида мукофотлар ва совғалар қайси жавобда нотўғри баён қилинган | йил ёки мавсум охиридаги мукофотлар | Фойдада қатнашиш тарзидаги мукофотлар | Асосий татилга чиққанда тўланадиган пулдан ташқари татилга қўшимча тўланадиган тўловлар | натура шаклида бериладиган совғалар |
| 64 | Иш муҳитининг мотивацияловчи таъсирини кучайтиришнинг асосий йўналишлари қайси жавобда аниқ кўрсатилмаган? | ишларни ташкил этишни такомиллаштириш, мақсадларни қўйиш орқали мотивациялаш | моддий рағбатлантириш нинг самарали тизими, моддий рағбатлантириш ни оптималлаштир иш | иш графигининг ўзгариши, ходимларни хабардор қилиш | моддий рағбатлантир ишнинг самарали тизими |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 65 | Иш тавсифларининг мотивастион модели таркиби қайси жавобда ноаниқ берилган? аниқланг? | ишнинг асосий тавсифи | талаб этиладиган профессионаллик | эришиладиган натижалар | Қўлга киритилган совғлар |
| 66 | Иш ўринлари механизасия даражаси бўйича неча гурухга бўлинади ? | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 67 | Иш ҳақи нима? | ишчи кучининг қиймати еквиваленти | товар ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар мажмуаси | товар ишлаб чиқаришга кетган ишчи кучи харажатлари | тариф ставкаси бўйича тўланадиган ойлик маоши |
| 68 | Иш ҳақига ажратиладиган маблағларнинг назорат қилиш турлари | бюджетли ва статистик назорат | режали ва солиқ назорати | аудитор ва молиявий таҳлил назорати | бухгалтер ва солиқ департамент и назорати |
| 69 | Иш ҳақини горизонтал табақалаш усулини қайси жавобда тўғри кўрсатилмаган ? | иш ҳақини ошириш микдорини белгилашда, касбий-малаквий салоҳиятда | малакани оширишга бўлган эҳтиёжни аниқлашда, хизмат бўйича кўтарилишда | ходим касбий ўсиш имкониятидан фойдаланаётганлигини аниқлашда | ходим касбий ўсиш имконияти |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 70 | Иш ҳақини хисоблаш тамойиллари | ананавий ёндашишдан қочиш, ходимнинг шахсий сифатлари, алоҳидалаштириш нинг ҳаддан ташқари ортиб боришидан қочишга интилишдир | раҳбарнинг субектив ёндошуви, ходимнинг шахсий сифатлари, алоҳидалаштири шнинг ҳаддан ташқари ортиб боришидан қочишга интилишдир | анъанавий ёндашишдан қочиш, раҳбарнинг объектив ёндошуви, алоҳидалашти ришнинг ҳаддан ташқари ортиб боришидан қочишга интилишдир | аттестацияда н ўтказиш, ходимнинг шахсий сифатлари, алоҳидалашт иришнинг ҳаддан ташқари ортиб боришидан қочишга интилишдир |
| 71 | Иш ҳақининг асосий шакллари қайсилар? | ишбай, ишбай-мукофот, аккорд | ишбай ва вақтбай | вақтбай, вақтбай-мукофот, жамоа | ягона тариф тизими бўйича ва тарифсиз |
| 72 | Иш ҳақининг ишлаб чиқариш самарадорлигига тасирини топинг? | корхона (фирма) даражасида, миллий даражада, жаҳон хўжалиги даражасида | корхона (фирма) даражасида, ҳудудий даражада, жаҳон хўжалиги даражасида | корхона (фирма) даражасида, миллий даражада, мамлакат хўжалиги даражасида | макро даражада, миллий даражада, жаҳон хўжалиги даражасида |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 73 | Иш ҳақининг қандай асосий шакллари бор? | ишбай, ишбай-мукофот, оккорт | ишбай ва вақтбай | вақтбай, вақтбай-мукофот, жамоа | ягона тариф тизими бўйича ва тарифсиз |
| 74 | Ишбай иш ҳақи шаклда ҳақ тўлаш қанақа бўлади? | бир дона маҳсулотга кетган вақтга қараб | ишчи кучининг сарфига қараб | иш берувчиинг харажатига қараб | ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига қараб |
| 75 | Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи белгилаш усуллари қайси жавобда тўғри берилмаган? | норасмий ставкалар | автоматик тарзда оширилган иш ҳақи ставкалари | иш ҳақи ставкаларини ходимлар хизматларини нг натижаларига қараб ўзгартириш | иш ҳақининг ягона ставкалари |
| 76 | Ишчи кучи ёллашга қандай рақобат турлари мавжуд? | ишчилар ўртасидаги рақобат | ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги рақобат | иш берувчилар ўртасидаги рақобат | ёлланма ишчи кучи ўртасида, иш берувчи билан ёнланма ишчи кучи ўртасида, иш берувчилар ўртасида |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | рақобатлар |
| 77 | Ишчи кучи таклифи нимани англатади? | «меҳнатга бўлган қобилиятлари»ни сотиш | ишчи кучини сотишни | «меҳнатга бўлган қобилиятлар» ни меҳнат бозорида сотиш учун тақдим этишни | ўзининг ишчи кучини иш берувчиларга сотишни |
| 78 | Ишчи кучига бўлган талаб нималардан иборат? | иш берувчиларнинг муайян ишчи кучига бўлган эҳтиёжи | маълум таркибга эга бўлган ишчи кучининг иш жойларига бўлган эҳтиёжи | ишчи кучи билан таъминланмаган бўш иш жойлари миқдори | ишчи кучи билан таъминланган иш жойлари миқдори |
| 79 | Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга қайси бир омил кўпроқ таъсир етади? | янги иш жойларини яратиш | ишсизлар малакасини ошириш | ишчи кучини четга чиқариш | кўп мулкчиликни шакллантириш |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 80 | Ишчи кучидаги “инсон капитали” тушунчаси нимани билдиради? | ишлаб чиқариш жараёни натижасида ишчи кучининг билим, малака, тажриба даражасининг ошиб боришини билдиради | ўқиш учун сарфланган барча сарф - харажатларни билдиради | шахснинг иқтисодиётда сарфланган пул маблағларини билдиради | чет ел инвестициясининг ҳар бир шахсга сарфланган маблағ миқдорини билдиради |
| 81 | Ишчи кучининг бахоси қандай аниқланади? | у такрор ишлаб чиқариш харажатларининг йиғиндисига тенг | у ишчи кучи қийматларининг йиғиндисига тенг | у ўртача меҳнат ҳақининг қийматига тенг | у меҳнат даромадлари йиғиндисига тенг |
| 82 | Ишчи кучининг қиймати нимани билдиради? | меҳнат ва дам олиш харажатларининг йиғиндисини | ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш харажатларининг йиғиндиси | меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш харажатларини | ишчи кучи бахоси |
| 83 | Ишчи кучининг таклифи нималардан иборат? | иш жойлари билан таъминланмаган ишчи кучи миқдори | иш жойлари билан таъминланган ишчи кучи миқдори | маълум таркибга эга бўлган ишчи кучининг иш жойларига бўлган эҳтиёжи | меҳнат бўлимларига мурожаат қилган ишсизлар сони |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 84 | Ишчини ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўзгариши қандай таҳлил қилинади? | у битта ишчининг йил давомида ишлаган кунлари сонига, иш кунининг ўртача давом этиши ва ўртача соатлик маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади | йилига битта ишчи ишлаган кунлар сонини маҳсулот таннархи кўпайтмасига боғлиқ | иш кунининг ўртача давом этиши ва ўртача кунлик маҳулот ишлаб чиқаришига боғлиқ | битта ишчининг йил давомида ишлаган кунлари сонига ва ўртача соатлик маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқ |
| 85 | Ўзбекистонда инсон тараққиёти тўғрисидаги биринчи миллий маърузa нечанчи йилда чиқарилган ва нимага бағишланган? | 1990 й., Иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиёти | 1995 й., Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий ривожланиш | 1996 й., Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида демографик, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни олиб боришда давлатнинг роли | 1991 й., Иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиёти |
| 86 | Фанга биринчи марта “иқтисодий одам” атамасини киритган олим номи тўғри келтирилган жавобни аниқланг. | Адам Смит | Алфред Маршалл | Давид Рикардо | Жон Стюарт Милл |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 87 | Фуқаролар ким томонидан ишсиз деб эътироф этиладилар? | Ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан | Меҳнат бўлими инспектори томонидан | Меҳнат бўлимида тузилган комиссия томонидан | Рўйхатга олган органлари томонидан |
| 88 | Функционал меҳнат тақсимоти нима? | ишчининг мутаҳассислиги ва бажараётган ишининг мураккаблигини ҳисобга олиб меҳнатни тақсимлаш | ишларни бажаришда юқори маҳсулдорликка эришиш учун, ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг касби мутаҳассислиги бўйича сонини энг оптимал холга келтириш | айрим техник ва иқтисодий талабларга амал қилган холда ишлаб чиқариш жараёнини таркибий қисмларга бўлиш | барча ишлар йиғиндисини турли туркумдаги ишчилар ўртасида уларнинг қатнашиш характери ва бажараётган вазифасига қараб тақсимланиши |
| 89 | Ҳаёт давомийлиги, ўлим даражаси, касалликларнинг давом етиш даври ва ҳ.к. лар турмуш сифатининг қайси кўрсаткичида акс этади? | овқатланиш | саломатлик | меҳнат шароити | турар жой шароити |
| 90 | Ҳаёт даражаси, биринчи навбатда, қайси кўрсаткич билан белгиланади? | аҳолининг даромадлари миқдори | аҳолининг иш билан бандлиги | иқтисодий ривожланиш | ижтимоий таъминот |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 91 | Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар ким томонидан қопланади? | Иш берувчи | Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари | Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари | Маҳаллий бюджет |
| 92 | Ҳалқаро амалиёт ва статистикада аҳоли меҳнатга лаёқатлилиги бўйича меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ёш интервалини аниқланг. | 14-64 ёш | 15-64 ёш | 14-65 | 15-65 |
| 93 | Ҳалқаро амалиёт ва статистикада аҳоли меҳнатга лаёқатлилиги бўйича меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳолининг ёш интервалини аниқланг. | 60 ёш ундан юқори ёшдагилар | 63 ёш ундан юқори ёшдагилар | 65 ва ундан юқори ёшдагилар | 70 ва ундан юқори ёшдагилар |
| 94 | Ҳар бир инсон тўла-тўкис хаёт кечириш ва ўзи танлаган меҳнат фаолияти соҳасида ишлай олиши учун муайян ... даражасига эга бўлиши керак. | таълим ва маълумот | соғлиқ ва жисмоний ривожланиш | хаётий тажриба ва кўникма | одоб-аҳлоқ ва хулқ-атвор |
| 95 | Ҳодимлар ҳаракати интенсивлиги қайси коеффицентлар билан тавсифланади? | ўсиш, камайиш коеффиценти | кўчиб келиш, кўчиб кетиш коеффицентлари | қабул қилиш ва бўшатиш коеффиценти | қабул қилиш, бўшатиш, умумий айланиш коеффицентлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 96 | Энг кўп меҳнат эвазига энг кўп даромад қайси омил ҳисобига эришилади | Маълумот даражасининг ошишини рағбатлантириш, касбий устунликларнинг мавжудлиги | Мотивациялаш тизимини йўлга қўйиш | Бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва ходимнинг малакасига қараб меҳнатга ҳақ тўлаш | Қонун ҳужжатлари билан белгиланганд ан ортиқ ишлаганлик учун доимий равишда юқори қўшимча ҳақ тўлаш |
| 97 | **“Меҳнатни ташкил этиш” атамаси нимани англатади?** | Ишчининг мутахассислиги ва бажараётган ишининг мураккаблигини ҳисобга олиб меҳнатни тақсимлаш меҳнатни ташкил этишни билдиради | Меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларнинг барчасини англатади | Айрим техник ва иқтисодий талабларга амал қилган холда ишлаб чиқариш жараёнини таркибий қисмларга бўлиш | Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва иш вақтини ташкил этишни англатади |
| 98 | **2014 йилда "Бутун жаҳон бахт индекси"нинг янги рейтинги бўйича МДҲ мамалакатлари орасида Ўзбекистон нечанчи ўринда?** | 2-ўринда | 1-ўринда | 5-ўринда | 3-ўринда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 99 | **2014 йилда "Бутун жаҳон бахт индекси"нинг янги рейтинги бўйича Ўзбекистон нечанчи ўринда?** | 158 мамлакат орасида 44-ўринда | 158 мамлакат орасида 55-ўринда | 158 мамлакат орасида 40-ўринда | 158 мамлакат орасида 50-ўринда |
| 100 | **Аҳолининг даромад келтирадиган ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган қисмига кимлар киради?** | Меҳнат ресурслари | Иқтисодий фаол аҳоли | Иқтисодий нофаол аҳоли | Расмий секторда банд аҳоли |